Тафаккур 2 газ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ 26 НОЯБРЬ КУНИ ТАТАРИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ РУСТАМ МИННИХАНОВ БОШЧИЛИГИДАГИ РОССИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

HUQUQ

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PROKURATURASI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq.uz 2019-Y. 28-NOYABR, №48 (1193)

ТАНҚИДИЙ МАТЕРИАЛЛАР БЎЙИЧА 2 НАФАР МАНСАБДОР ШАХС ИНТИЗОМИЙ ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛДИ, 4 ТА ЖИНОЯТ ИШИ ҚЎЗҒАТИЛДИ. **2-БЕТ**

ПРОКУРАТУРА ТАШАББУСИ БИЛАН СЕНТОБ МАҲАЛЛАСИДА 3 МИНГТА КИТОБ ФОНДИГА ЭГА БЎЛГАН КУТУБХОНА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ. **3-БЕТ**

ПИХИНИ ЁРГАН ТАДБИРКОР ТЕНДЕРДА СУНЪИЙ РАҚОБАТНИ ЮЗАГА КЕЛТИРДИ. **8-БЕТ**

700 НАФАРГА ЯҚИН ҚАРЗДОР ИШГА ЖОЙЛАШТИРИЛДИ. **10-БЕТ**



7-БЕТ

ҲАРОМ ЛУҚМА ТАТИМАЙДИ

БЕШ МИНГ ДОЛЛАР СЎРАЛГАН ИШ ҚОНУНИЙ ТАРТИБДА АТИГИ 223 МИНГ СЎМ БИЛАН ҲАЛ БЎЛДИ.

ХИЁНАТ ОРТИДАГИ ЖИНОЯТ

ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ КЎРСАТИШИЧА, АЁЛЛАРНИНГ ЮЗИ ЎЗ ЭГАСИНИ «СОТМАС» ЭКАН. ШУ САБАБЛИ БЎЛСА КЕРАК, МАРҲУМ АЁЛИНИНГ ХИЁНАТИНИ СЕЗМАДИ.

9-БЕТ

ЗУЛМГА БЕФАРҚ БЎЛМАНГ

ҚАЙНУКАСИ ТОМОНИДАН ДЎППОСЛАНАЁТГАН АЁЛ ЭРИДАН НАЖОТ КУТАР, АММО ЭР ЖИМ ЭДИ...

6-БЕТ

Обуна 2020

Ҳурматли юртдошлар!

2020 йилда ҳам "HUQUQ" газетаси Сизнинг энг яқин ҳамкорингиз бўлиб қолади. Газетамизга «Матбуот тарқатувчи» АК ва барча почта бўлимларида обуна бўлишингиз мумкин.

НАШР ИНДЕКСИ – 231

ПОРА КАНДА БЎЛМАСА,

Бугун мамлакатимизда коррупцияга қарши жиддий кураш олиб борилмоқда. Лекин орамизда ўз нафсини енголмаётган инсонлар ҳам учраб турибди. Шундайлардан бири Урганч шаҳар ободонлаштириш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари лавозимида ишлаган У.Б.дир.

ИМЗОНИНГ НАРХИ ҚАНЧА?

У бир вақтнинг ўзида доимий ишловчи комиссия аъзоси ҳам эди. Бошқарма Урганчнинг айрим кўчаларидаги сув қувурларини таъмирлаши белгиланганди. Бу борада ўтказилган танловда У.Х. раҳбарлик қилаётган хусусий корхона ғолиб бўлди. Комиссиянинг бошқа аъзолари бу ҳақдаги баённомани қонуний тартибда имзолашди. У.Б. эса ўз ваколатидан фойдаланиб қолишни истади. Тадбиркорга «Ласетти» автомашинасига 4 та амортизатор ва 4 та шина олиб берсагина, ушбу баённомани тасдиқлашини билдирди. У.Х. ўринбосарнинг ҳузурига бир неча марта келди. Ҳар гал иши битмай қайтди.

У.Б.нинг тамагирлигидан зада бўлган тадбиркор учрашувлардан бирида унинг шартига розилигини билдирди. Ниҳоят, мутасадди тез кунда келишувни бажариш шарти билан имзо чекди. Орадан икки-уч кун ўтиб, тадбиркор билан учрашди. У.Х. тамагирга 2 млн. 500 минг сўм бериши мумкинлигини айтди. «Бу кам, 3 миллион сўм берасан», – деди мутасадди. Тадбиркор бўйин эгди. Аммо ўз ҳуқуқини ҳимоя қилишни сўраб тегишли идораларга мурожаат қилди. Ободонлаштириш бошқармаси мутасаддиси тадбиркордан 3 млн. сўмни пора тариқасида олаётган пайтда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан қўлга олинди.

Суд У.Б.га қилмишига яраша жазо тайинлади.

Фарҳод РАЖАПОВ,
Хоразм вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи



ҲОКИМЛИК ХОДИМЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИ ТИКЛАНДИ

«Facebook»даги танқидий маълумот юзасидан

Фуқаро Т.Р. "Facebook" ижтимоий тармоғида маҳалла фуқаролар йиғинида ишлаши, Самарқанд шаҳар ҳокимлиги томонидан электр энергияси учун унинг маошидан 35 минг сўм пул ушлаб қолингани, лекин бу пул унинг ҳисоб рақамига келиб тушмагани ҳақида маълум қилган.

Мазкур ҳолат Мажбурий ижро бюросининг Самарқанд вилояти бошқармаси ва Самарқанд шаҳар прокуратураси томонидан ўрганилди.

Аниқланишича, Самарқанд шаҳар ҳокимлиги ҳисобхонаси томонидан 465 нафар ходимнинг 2019 йил июль ойидаги иш ҳақидан ушлаб қолинган 23,5 млн. сўм пул 8 июлда Самарқанд шаҳар электр таъминоти корхонасининг ҳисоб рақамига ўтказиб берилган. Бироқ ушбу тўловлар "Электр ҳисоб" дастури орқали ҳар бир ходимнинг шахсий ҳисоб варақасига киритилмасдан қолган.

Мурожаатни ўрганиш давомида тўловлар 20 сентябрь куни "Электр ҳисоб" дастурига киритилиб, ходимларнинг шахсий ҳисоб варақаларига кўчириб берилиши таъминланган.

Мурожаатни кўриб чиқиш натижаси ҳақида муаллифга Самарқанд шаҳар прокуратураси томонидан жавоб хати юборилган.

Бош прокуратуранинг жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлими

JARAYON

Фахрийларга эҳтиром

Бухоро вилояти прокуратураси ташаббуси билан прокуратура тизимида узоқ йиллар самарали меҳнат қилган фахрийлардан иборат гуруҳ 16-17 ноябрь кунлари Хоразм вилоятига саёҳатга борди.

Хоразм вилояти прокуратураси ходимлари, фахрийлар меҳмонларни самимият билан кутиб олишди. Саёҳат дастурига асосан меҳмонлар Хива шаҳрида жойлашган Ичанқалъанинг ўтмиши ва бугуни билан танишдилар.

Паҳлавон Маҳмуд мақбарасига ташриф чоғида қаҳрамон аждодимизнинг ватанпарварлиги ва жасорати ҳақидаги маълумотлар саёҳатчиларда катта таассурот қолдирди. Шунингдек, хоннинг тахтга ўтириш маросими саҳналаштирилган томоша тадбир мазмундорлигини янада оширди.

– Хоразмлик ва бухоролик фахрийларнинг бир пиёла чой устида дийдорлашуви, тинчлик қадри, ватанга садоқат билан хизмат қилиш шараф экани ҳақидаги суҳбатлари соҳада ишлаётган ёшлар учун ибратдир, – дейди фахрий Раҳмон Файзиев.

– Ҳақиқатан бу саёҳат ҳар иккала вилоят фахрийлари учун унутилмас тадбир бўлди. Катта илмий салоҳият ва тажрибага эга фахрийларимиздан ўрганишимиз мумкин бўлган жиҳатлар кўплигига аминмиз, – деди Хоразм вилояти прокурорининг биринчи ўринбосари Ҳамиджон Ёвбосаров.

Фахрийлар саёҳатдан катта таассуротлар билан Бухорога қайтишди.

Моҳира ШАКАРОВА,
журналист

TADBIR

ҲИМОЯЧИЛАРНИНГ ҲИМОЯСИ ЙЎЛИДА

Инсон манфаатлари устувор бўлган жамиятда адвокатура тизими ҳам шунга яраша мақомга эга бўлиши керак.

Кейинги йилларда адвокатура институтини ривожлантириш, адвокатларнинг мустақиллигини таъминлаш борасида бир қатор чоралар кўрилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 майдаги "Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони билан адвокатларга бир қатор ҳуқуқлар берилди. Масалан, адвокат сўровига кўра маълумотларни ўз вақтида тақдим этмаган, ёлғон ёки нотўғри маълумот тақдим этган мансабдор шахслар маъмурий жавобгарликка тортилиши белгиланди.

Шунингдек, мазкур фармон билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс 197^{1}-модда (Адвокатнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилиш) билан тўлдирилди.

23 ноябрь куни Сирдарё вилояти прокуратураси ташаббуси билан суд, адлия, ички ишлар бошқармаси, адвокатлар палатаси вакиллари ҳамда адвокатлар иштирокида учрашув бўлиб ўтди.

Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, ҳозир вилоятда 31 та адвокатлик бюроси, 15 та фирма, 1 та ҳайъатга бирлашган 98 нафар адвокат фаолият кўрсатмоқда.

Учрашувда адолатни қарор топтиришда адвокатнинг ўрни ҳамда уларнинг фаолиятидаги муаммоларни бартараф қилиш чоралари муҳокама қилинди.

Отабек КУЛДАШЕВ,
Сирдарё вилояти прокурорининг биринчи ўринбосари

ПРОКУРАТУРА ВА ОАВ

Хоразм вилояти прокуратураси уюштирган матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Президенти администрацияси ҳузуридаги ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Хоразм вилояти бошқармаси ходимлари ва журналистлар иштирок этди.



Анжуманда прокуратура органлари томонидан 2019 йилнинг 10 ойи давомида қилинган ишлар ҳақида ахборот берилди. Хусусан, қонунчилик ижроси юзасидан ўтказилган текширишларда 1334 та прокурор назорати ҳужжати қўлланиб, судларга 977 млн. 24 минг сўмлик 401 та даъво аризаси киритилган. Шунингдек, қонунчиликни тарғиб қилиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мақсадида 4563 та тадбир ўтказилган. Жумладан, ОАВда прокуратура фаолиятига доир мингдан зиёд чиқиш қилинган.

Вилоят прокуратураси оммавий ахборот воситаларида кенг муҳокамага сабаб бўлаётган ҳолатларни ўрганиб, уларга ўзининг телеграм канали орқали муносабат билдириб келаётганлиги ҳам алоҳида таъкидланди.

Хусусан, матбуот ва интернет тармоқларидаги вилоятга алоқадор 59 та танқидий материал ўрганилиб, аниқланган қонунбузилишларни баратараф этиш юзасидан 8 та ташкилотга тақдимнома киритилиб, 2 нафар мансабдор интизомий жавобгарликка тортилди, 4 та жиноят иши қўзғатилди.

Анжуманда иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти Хоразм вилоят бошқармаси томонидан қилинган ишлар хусусида ҳам ахборот берилди. Айтилишича, бошқарма ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан ўтган ўн ойда 127 та жиноят ва 238 та маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш қўзғатилган. Давлат бюджетига 10 млрд. 984 млн. 800 минг сўм қўшимча солиқ ва жарималар ҳисобланиб, бюджетга 7 млрд. 583 млн. 300 минг сўм ундирилишига эришилган.

Валютани қонунга хилоф равишда муомалага киритиш бўйича 33 та жиноят ва 66 та маъмурий ҳуқуқбузарликка оид иш қўзғатилган.

Анжуманда прокуратура органларининг оммавий ахборот воситалари билан алоқаларини янада мустаҳкамлашга келишиб олинди.

Қучкар РАХИМОВ,
Хоразм вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси
Ойбек ЖУМАНИЁЗОВ,
«Huquq»

2019 йил 21-23 ноябрь кунлари Ўзбекистон ҳарбий прокуратурасида тизимда хизмат қилиб келаётган ёш мутахассислар иштирокида "Ҳарбий прокуратура органларининг фаолият йўналишлари ва вазифалари" мавзусида навбатдаги семинар бўлиб ўтди.



ЯХШИ КАДР ҲАММАГА КЕРАК

Уч кунлик семинар доирасида иштирокчилар Хадича Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказига ва Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Тергов департаментига бориб, улардаги шароитлар, лабораториялар ва махсус тергов хоналари билан танишишди. Ички ишлар вазирлиги музейи ва кутубхонасини томоша қилишди.

Шунингдек, "Китоб олами" мажмуасидан қизикарли китобларни сотиб олишди. Ўзбек миллий академик драма театрида намойиш этилган "Имон" спектакли иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Семинар давомида ёш мутахассислар спорт, саф ва отиш тайёргарлиги, амалдаги қонунчилик бўйича синовдан ўтказилди. Прокурор назорати ҳужжатлари ва экспертиза тайинлаш тўғрисида қарор лойиҳасини тайёрлаш ҳамда казуслар ечиш бўйича амалий машғулотлар бўлиб ўтди.

Семинар ёш мутахассисларда соҳани тизимли таҳлил қилиш кўникмасини шакллантиришга, уларнинг билимларини бойитишга, прокурор назоратини ташкил этишда юзага келаётган камчиликларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Ботирбек СОБИРОВ,
Ўзбекистон ҳарбий прокуратураси бўлим ҳарбий прокурори

Жорий йил 30 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма тўртинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтади.

АҲОЛИ МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ

халқ прокуратураси мақомига эришишнинг муҳим омилидир

2017 йил 8 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ҳудудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан давлат раҳбари прокуратура органлари зиммасига ҳам ҳудудларни ривожлантириш бўйича қўшимча масъулият юклади. Шундан буён секторлар фаолиятини янада такомиллаштириш чоралари кўриб келинмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Президентининг 2019 йил 8 январдаги 4102-қарори билан секторлар таркибига киритиладиган идора ва ташкилотларнинг намунавий рўйхати тасдиқланди, ҳар бир сектор бўйича масъул ходим, сектор раҳбари бошчилик қиладиган идора(ташкилот)дан сектор штаби котиби сифатида алоҳида ходим бириктирилди, штаб аъзоларини моддий рағбатлантириш тизими йўлга қўйилди, аниқланган муаммоларни ҳал этиш чоралари белгиланди. Жорий йилнинг 2 апрелдаги 5700-сонли фармонга асосан "маҳалла – сектор – халқ қабулхонаси – маҳалла" принципи асосида ҳамкорлик тизими жорий қилинди.

Алоҳида қайд этиш жоизки, ҳудудларни секторларга бўлиш ва долзарб муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш орқали мамлакатимизнинг нафақат ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш, балки давлат бошқаруви сифати ва самарадорлиги бўйича жаҳон рейтингларида (Аҳоли фикрининг ҳисобга олиниши ва давлат органларининг ҳисобдорлиги – Voice and Accountabillity, Сиёсий барқарорлик ҳамда зўравонликнинг йўқлиги – Political Stability and Absence of Violence, Ҳукумат фаолиятининг самарадорлиги – Government Effectiveness, Қонун устуворлиги – Rule of Law, Коррупцияни тийиб туриш – Control of Corruption) юқори ўринларни эгаллашимизга эришилади.

Юқоридаги рейтингларда юртимиз кўрсаткичларини янада яхшилаш, шунингдек, ҳудудларни ривожлантириш, аҳоли муаммоларини ҳал этиш мақсадида прокурорлар раҳбарлик қиладиган секторларда муайян ишлар қилинаяпти. Хусусан, Жиззах вилоятида уйма-уй юриш жараёнида аниқланган ичимлик суви билан боғлиқ 799 та муаммо аниқланиб, 751 таси ҳал қилинди. 25,7 км. ичимлик суви тармоқлари жорий таъмирланди. Шунингдек, вилоят прокуратураси ташаббуси билан 18,5 км. ички йўллар жорий таъмирланди. 14,3 км. масофага электр тармоқлари тортилиши таъминланди.

Тадбиркорликни жадал ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган муаммоларни ҳал этишга кўмаклашиш борасида ҳам салмоқли ишлар қилинди. Хусусан, 5197 та тадбиркорлик субъекти ташкил этилди, 8717 нафар тадбиркорнинг муаммосини ҳал қилишга кўмаклашилди. Шу жумладан, 4717 нафарига 112,8 млрд. сўмлик кредит олишда, 1632 нафарига ер ажратилишида, 2368 нафарига бошқа масалада ёрдам кўрсатилди. Ундан ташқари, фаолиятини тўхтатган 9499 та тадбиркорлик субъектидан 3992 тасининг фаолияти тикланиб, 12 784 та иш ўрни яратилди.

Ўзбекистон Президентининг бешта ташаббуси доирасида ҳам қатор ишлар қилинди. Навоий вилояти Нурота тумани прокуратураси масъул бўлган сектор ташаббуси билан Сентоб маҳалласида 280 млн. сўм эвазига 3000 та китоб фондига эга бўлган кутубхона ташкил этилди. Бугунги кунда у ҳақиқий зиё масканига айланиб, аҳолининг маънавий дунёсини бойитишга хизмат қилмоқда.

Самарқанд вилояти Иштихон туман прокуратурасининг ёрдами билан фуқаро Г.Равшановнинг кредит ажратиш ва бино топишда ёрдам бериш ҳақидаги мурожаати асосида "Мадина ред стар" тикув цехи ташкил этилди. Унга 180 млн. сўмлик кредит ҳамда "Ўзтелеком" АЖ Иштихон филиалига қарашли бўш турган бино 5 йиллик ижара шартномаси асосида ажратилди ва шу тариқа кам таъминланган ва ёлғиз яшовчи 15 аёлнинг ишга жойлаштирилишига эришилди.

Прокурорлар секторидаги аҳволни яхшилаш Бош прокуратуранинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Бу борада 1 ноябрь куни махсус фармойиш қабул қилинди. Бош прокуратуранинг Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш муаммоларини таҳлил қилиш бошқармасига секторлар фаолиятини ўрганиш ва тизимли таҳлил қилиш, республика миқёсидаги муаммоларни ҳал этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш вазифаси юкланди.


Ушбу бошқарма Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратураларида ижтимоий соҳада қонунчилик ижроси устидан назорат бўлимлари прокурорлар сектори фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда уларга услубий кўмаклашиш бўйича масъул этиб белгиланди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда прокурорлар уйма-уй юриш орқали халқ дарду ташвишини аритиш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, ҳудудларнинг имкониятини ўрганган ҳолда тўғридан-тўғри инвестицияни жалб қилишга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Шу билан бирга, юқоридаги вазифаларни бажариш, олижаноб халқимизнинг муаммоларини ҳал этиш орқали чинакам **халқ прокуратураси мақомига** эришиш прокуратура органлари фаолиятининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади.

Алишер МАХМУДОВ,
Бош прокуратура бошқарма бошлиғи

Прокурорлар секторларида ташкил этилган 988 та гуруҳ 2019 йилнинг 9 ойи давомида 2258 та маҳалладаги 1,5 млн.дан ортиқ хонадонни ўрганди.



Уларда аниқланган **138 800** та аҳоли муаммосининг **95** фоизи ҳал этилди. **967** та кам таъминланган оиланинг уйи таъмирланди. **6445** та оила уйга муҳтожлар рўйхатига киритилди.

Секторларда ишни ташкил этишда прокурорлар янги иш ўринлари яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Хусусан, бу борада **1939** та меҳнат ярмаркаси ўтказилиб, **20** мингдан ортиқ ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминланди.



ҲУДУДЛАРНИ ЯЁВ КЕЗГАНДА

Секторларда ижтимоий-иқтисодий соҳадаги муаммолар ҳал этилиб, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, қонунийликни мустаҳкамлаш чоралари кўрилмоқда.

Когон шаҳар прокурори секторида тузилган 18 кишидан иборат гуруҳ томонидан 52 та хонадонда фуқаролар яшамаслиги сабабли далолатнома расмийлаштирилган. 107 та ижтимоий объектнинг 75 тасида 107 та муаммо аниқланди. Шундан 68 таси ҳал этилган бўлса, қолганларини ҳал этиш ҳамда "Вилоят-республика даражасидаги муаммолар" йўл харитасига киритиш юзасидан шаҳар ҳокими номига, шунингдек, халқ депутатлари шаҳар кенгаши муҳокамасига қўйиш учун сўров юборилди.

Кўрилган чоралар натижасида 69 та оила кам таъминланганлар рўйхатидан чиқарилди. 6 таси бепул уй билан таъминланди. 37 та оила бошлиғи ишга жойлаштирилди.

Маълум бўлишича, айни вақтда ҳудудда 30 нафар ижтимоий ҳимояга, 191 нафар ногирон ва оғир касалликка чалинган ҳамда тиббий ёрдамга муҳтож оила мавжуд. Шундан ногиронлик аравачасига муҳтож 37 киши аравача билан таъминланди.

Тижорат банклари "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастури доирасида 70 та оилага 1 млрд. 595 млн. 300 минг сўмлик имтиёзли кредит берди.

Йил бошидан бери ўтказилган сайёр қабулларда 313 кишининг ишсизлиги аниқланган. Шаҳар аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда уларнинг 199 нафари ишга жойлаштирилди, 93 киши ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинди.

Бундан ташқари, сектордаги Маданият кўчасида жойлашган, Бухоро локомотив депосига қарашли эски ётоқхона бўшлиги аниқланиб, ушбу ташландиқ бинони кўп хонадонли уйга айлантириш ишлари бошланган. Улар сектордаги муҳтож оилаларга имтиёзли шартлар асосида берилади.

"Обод маҳалла" давлат дастури доирасида Туркистон, Ватанпарвар, Маданият, Зобитлар, Жондор, Саодат, Навниҳол ҳамда Семурғ кўчаларининг 4700 метрлик сув тармоғи реконструкция қилиниб, 2575 кишининг таъминоти яхшиланди.

Секторда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида ҳам қатор

"Ҳар бир оила – тадбиркор" дастури доирасида 1,5 млрд. сўмдан ортиқ кредит берилди.

ишлар қилинди. Жумладан, "Туркистон" МФЙда 2 гектар қаровсиз ерда аквапарк ташкил этиш учун тадбиркорлик субъектига шаҳар ҳокимининг қарори чиқарилди. Бундан ташқари, 31 нафар тадбиркорга ҳуқуқий маслаҳат бериш орқали уларнинг фаолияти қайта тикланди. "Бухорои шариф" МФЙда "Когон камалак" нодавлат мактабгача таълим ташкилоти қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Шаҳар халқ қабулхонаси тасдиқлаган жадвал асосида сектордаги барча маҳалла фуқаролар йиғинлари аҳолиси учун ҳар ҳафтада камида бир марта сайёр қабул ташкил этилмоқда. 2019-2020 йилларда 8 млрд. 991 млн. сўмлик 4 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилган. Шу жумладан, "Ойбек гранд строй сервис" МЧЖ ўзининг 2 млрд. 288 млн. сўми ва 220 минг АҚШ доллари миқдоридаги хорижий кредит эвазига паррандачиликни йўлга қўйиб, 8 та янги иш ўрни яратди.

Бугунги кунда ҳудудни ривожлантириш, аҳоли муаммоларини ҳал қилиш ишлари давом эттирилмоқда.

Бахромбек ЯРАШЕВ,
Когон шаҳар прокурори

Мамлакатимизда бўлиб ўтадиган парламент сайловларини кузатиш бўйича ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ДИИҲБ) миссияси 25 ноябрь кунидан ўз ишини бошлади.

БОШ ПРОКУРАТУРА НАЗОРАТНИ КУЧАЙТИРАДИ

Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорацияси томонидан эълон қилинган "Бизнес юритиш – 2020" ҳисоботида Ўзбекистон 69-ўринни эгаллаб, ислоҳотлар миқёси ва самарадорлиги бўйича дунёнинг энг яхши 20 та ислоҳотчи давлати қаторидан жой олди. Мана шу маълумотнинг ўзи мамлакатимизда тадбиркорлик ва ишбилармонликка берилаётган эътиборнинг маҳсулидир.

Тўғри, ҳали бу соҳада ечимини кутаётган масалалар оз эмас. Ер ажратиш, қурилиш учун рухсат бериш, хусусий мулк дахлсизлиги ва энергия ресурсларига уланишдаги муаммоларга босқичма-босқич ечим топилмоқда. Жумладан, давлат раҳбарининг 2019 йил 20 ноябрдаги "Мамлакатда бизнес муҳитини янада яхшилаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳам шу мақсадга хизмат қилади.

Қарорга кўра давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижаларини, шу жумладан, объектларнинг қийматини баҳолаш натижаларини қайта кўриб чиқиш ва бекор қилиш масалалари юзасидан давлат органлари, шу жумладан, назорат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судлар томонидан ташаббус билан чиқиш хусусий мулкнинг дахлсизлигини бузиш сифатида баҳоланади ҳамда бундай ишлар кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди.

Эътиборга молик жиҳати шуки, Бош прокуратурага хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликка қатъий риоя этилиши устидан назоратни кучайтириб, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижаларини қайта кўриб чиқиш ва бекор қилиш ташаббуси билан чиққанлик учун ваколатли давлат органлари мансабдорларининг муқаррар жавобгарлигини жиноий жавобгарликка тортишга қадар оширишни таъминлашдек ўта долзарб вазифа юклатилди.

Тадбиркорлик субъектини электр тармоқларига улаш «Ҳудудий электр тармоқлари» АЖ маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Шунингдек, вазирлик ва идораларнинг ҳар бирида соҳадаги ислоҳотлар моҳиятини ижрочиларга етказиш бўйича ишчи гуруҳлар тузиладиган бўлди. Мазкур гуруҳлар зиммасига ислоҳотларнинг мазмунини ижрочиларга тушунтириш, қонун ҳужжатларини нотўғри қўллаш амалиётини бартараф этиш, тадбиркорларнинг фикрини мунтазам ўрганиб бориш, тегишли орган қабул қилган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни хатловдан ўтказиш ва уларга соҳадаги ислоҳотлардан келиб чиқиб ўзгартириш киритиш бўйича таклифлар тайёрлаш вазифалари юкланди.

Гуруҳлар амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳар ой Ўзбекистон Президенти администрациясига маълумот беради.

Муҳим янгилик: 2020 йил 1 октябрдан бошлаб қуввати 140 киловаттгача бўлган электр ускуналарини электр тармоқларига улаш жараёнида сарфланадиган харажатлар тадбиркорлик субъектининг хоҳишига кўра давлат хизматлари марказига техник шартларни олиш учун мурожаат қилиш билан бир вақтда берилган сўровига асосан "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ маблағи ҳисобидан амалга оширилади. Мазкур маблағ тадбиркорлик субъекти фойдаланган электр энергияси қийматига қўшиладиган устамалар ҳисобидан 1 йил давомида ундириб олинади.

Бундан ташқари, 2020 йил 1 февралдан бошлаб:

– экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда талаб этиладиган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ва сертификатлар "Ягона дарча" божхона ахборот тизими орқали расмийлаштирилади;

– фитосанитария, санитария-эпидемиология, ветеринария ва экологик назорат ўтказиш учун ундириладиган тўловлар миқдори Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланади;

– юридик шахслар томонидан даъво аризаси ва унинг иловаларини жавобгар ҳамда иқтисодий судга солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали электрон тарзда юбориш имконияти яратилади.

Ўз навбатида тадбиркорларнинг иш унумига салбий таъсир кўрсатувчи айрим талаблар бекор қилинмоқда. Жумладан, 2020 йил 1 январдан:

– тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар ўртасидаги кўчмас мулкка оид олди-сотди шартномалари тарафлардан бирининг талаби бўйича нотариал тасдиқланганда коммунал хизматлар бўйича қарздорликни текшириб олиш;


– давлат солиқ хизмати органларига солиқ тўловчилар томонидан кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг аризани ҳамда кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар томонидан тегишли ҳудудда жойлашган ер участкаси ва бошқа кўчмас мулк, унинг мулкдорлари тўғрисидаги маълумотни бевосита қоғоз кўринишида тақдим этиш;

– мева-сабзавот ва тўқимачилик маҳсулотлари ва буюмларини экспорт қилиш (пахтадан ташқари) учун зарур рухсатнома ва сертификатларни расмийлаштиришда тадбиркорлик субъектларидан тўлов ундириш каби талаблар бекор қилинади.

Булардан ташқари, қарорда "давлат хизматларининг сирли мижози" институти қўлланишини таъминлаш ҳам белгилаб берилди.

Қисқаси, мазкур ҳужжат билан мулк ҳуқуқи ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида янги имкониятлар яратилмоқда. Бу эса мамлакат тараққиёти ва барқарор ривожланишига хизмат қилади.

Ғолибжон МИРЗАЕВ,
Бош прокуратура бошқарма катта прокурори



ГАРОВ РЕЕСТРИ ЯГОНА ТИЗИМИ

УНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМЛАР

Бугун мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва соҳа вакилларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар кўрилаяпти. Аввало ҳуқуқий база мустаҳкамланмоқда.

Тадбиркорлик субъектларини молиялаштириш учун қулай шароит яратиш ҳамда кредиторларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги ахборотнинг ягона реестрини шакллантириш мақсадида 2013 йилда "Гаров реестри тўғрисида"ги қонун қабул қилинган, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 12 июндаги 155-қарорига мувофиқ ягона электрон ахборот базасини юритиш учун Марказий банк ҳузурида "Гаров реестри" давлат унитар корхонаси ташкил этилган.

Мазкур қонунда ҳам, қарорда ҳам суриштирув ва дастлабки тергов органларининг қарорлари асосида хатланган мулклар ҳақидаги ёзувларни гаров реестрига киритиш мумкинлиги кўрсатилган бўлса-да, Жиноят-процессуал кодексида буни амалга оширишнинг процессуал механизми бўлмагани сабабли уларнинг ижроси таъминланмаётган эди. Бу эса ўз навбатида илгари банклар ва бошқа кредит ташкилотлари томонидан гаров сифатида қабул қилинган мулкларнинг жиноят оқибатида етказилган зарарни бартараф қилиш мақсадида хатланишига ёки гаров эҳтиёт чораси сифатида қабул қилинишига олиб келиб, низоли ҳолатларни келтириб чиқарган.

Бундан ташқари, Жаҳон банки ва халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистоннинг рейтингини яхшилашда кредиторларни қўллаб-қувватлаш йўли билан қулай бизнес муҳитини яратиш муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда 2019 йил 22 октябрда "Кредиторларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш кучайтирилиши ҳамда тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинди.

Мазкур қонунга мувофиқ Жиноят-процессуал кодексининг 290-моддасига ўзгартиш киритилиб, дастлабки тергов ва суриштирув органлари томонидан мулкни хатлаш тўғрисида қарор чиқарилганидан кейин бир кун ичида бу ҳақда гаров реестрига ёзув киритилиши белгиланди.

Қонунчиликдаги ўзгартишларни аниқ ва бир хил қўллаш мақсадида Бош прокуратура, Олий суд, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси, Миллий гвардия ва Марказий банк томонидан "Суриштирув, дастлабки тергов ва судда хатланган ҳамда гаров тарзидаги эҳтиёт чораси сифатида қабул қилиб олинган мол-мулклар тўғрисидаги ёзувларни гаров реестрига киритиш, ўзгартириш ва реестрдан чиқариш тартиби тўғрисида"ги низом қабул қилинди.

Низомга кўра Марказий банк ҳузуридаги "Гаров реестри" давлат унитар корхонаси юритаётган гаров реестри ягона ахборот базасига ёзувларни киритиш, ўзгартириш, реестрдан чиқариш ва ундан кўчирма олиш ҳимояланган алоқа каналлари орқали амалга оширилиши белгиланиб, 2020 йил 1 январгача:

– суриштирув, дастлабки тергов ва судда хатланган ҳамда гаров сифатида қабул қилиб олинган мулклар тўғрисидаги ёзувларни гаров реестрига киритиш, ўзгартириш ва реестрдан чиқариш бўйича дастурий таъминот ишлаб чиқиш ва уланиш чорасини кўриш;

– гаров реестрига ҳимояланган алоқа каналлари орқали онлайн тарзда ёзувларни киритиш, ўзгартириш ва реестрдан чиқаришни ҳамда кўчирмалар олишни йўлга қўйиш;

– гаров реестри билан ишлаш бўйича масъул ходимларни бириктириш ҳамда уларнинг гаров реестри билан ишлаш кўникмаларини ошириш бўйича ўқув семинарлари ташкил этиш вазифалари юклатилди.

Ҳозир Бош прокуратура томонидан прокуратура органларида низом талаблари асосида гаров реестри билан ишлаш бўйича амалий чоралар кўрилмоқда.

Зафарбек РУСТАМОВ,
Бош прокуратура бошқарма бошлиғининг ўринбосари

25 ноябрь куни Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссиясининг АҚШ давлат департаменти аъзолари билан видеоконференция шаклидаги биринчи мулоқоти бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига



ПРОКУРАТУРАНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ МАҚОМИ

Ҳуқуқий демократик давлатнинг энг асосий талабларидан бири қонунга итоат этиш ҳисобланади. Прокуратура мамлакатда қонунларнинг аниқ ва бир хил ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади. Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган бу қоида прокуратура органлари самарали фаолият юритиши ва мустақиллигининг муҳим омили саналади.

Қонун устуворлигини, ижтимоий-иқтисодий вазият барқарорлигини таъминлаш мақсадида прокуратуранинг ҳуқуқни ҳимоя қилишга оид профилактик функцияси, муҳим ижтимоий вазифалар, давлатнинг стратегик манфаатлари ҳимояси билан боғлиқ фаолияти жиддий кучайтирилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида жамиятдаги муҳим масалаларни ҳал қилувчи тўртта республика идораларо комиссияси фаолиятини мувофиқлаштириш Бош прокуратурага юкланди.

Прокурор назорати фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилишини тезда аниқлаш ва бартараф этишнинг муҳим механизми бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Конституция қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида белгиланган ғоялар асосида Қорақалпоғистон, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар прокурорлари ҳар йили Қорақалпоғистон Жўқорғи кенгесига, халқ депутатлари шаҳар ва туман кенгашларига ўз фаолияти тўғрисида ҳисобот бериши, зарур бўлган ҳолларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қонунийлик ва жиноятчиликка қарши кураш ҳолати тўғрисида хабардор қилиши ҳақидаги қоида киритилди. Шунингдек, прокуратура органлари ўз фаолияти тўғрисида жамоатчиликни мунтазам хабардор қилиши, ўз фаолиятини ошкора амалга ошириши белгиланди. Ўзбекистон Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони ижро этилишини назорат қилиш Бош вазир ва Бош прокурор зиммасига юкланганини ҳам қайд этиш лозим.

"Прокуратура тўғрисида"ги қонун прокуратура органларининг демократик асосларини мустаҳкамлаб, Бош прокурор Ўзбекистон Президенти ва Сенат олдида ҳисобдорлигини, прокуратура органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатди. Шунингдек, Сенатда прокуратура органлари фаолиятини назорат қилувчи махсус комиссиянинг тузилиши охирги йилларда қабул қилинган муҳим қарорлардан бири бўлди.

Ўзбекистон Конституциявий суди томонидан Бош прокурор буйруқлари ва ҳужжатларининг (индивидуал хусусиятга эга ҳужжатлар бундан мустасно) Конституция ва қонунларга мослиги устидан суд назорати механизми ўрнатилди, улар Конституция ва қонунларга зид бўлса, Конституциявий суднинг қарори асосида бекор қилинади.


Ўзбекистон Бош прокуратураси ўзининг ваколатлари доирасида чет давлатларнинг прокуратура ва ваколатли органлари, ихтисослаштирилган ҳалқаро ташкилотлари билан ҳамкорлик қилади.

Прокуратура органлари фаолиятига оид қонунчиликка киритилган ўзгартишларнинг таҳлили шундан далолат беради, бу ўзгартишлар биринчи навбатда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишга, қонун устуворлигини таъминлаш ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга йўналтирилган.

2018 йил 7 январда прокуратура органлари ходимлари куни олдидан соҳа ходимлари билан учрашган давлат раҳбари Шавкат Мирзиёев "Одамлар ҳамма нарсага чидаши мумкин, адолатсизликка чидай олмайди. Жамиятда адолат барқарор бўлишида прокуратура органларининг ўрни катта бўлмоғи керак, прокуратура органлари ходимларининг иши катта масъулият, фидойилик, ҳалолликни талаб қилади, қабул қилинаётган ҳар бир қарор замирида инсон тақдири туради. Шундай экан, етти ўлчаб бир кесиш бу борада асосий мезон бўлмоғи шарт" деб таъкидлади. Ушбу фикрлар прокуратура органлари ходимлари учун дастуриламал бўлмоғи лозим.

Бахтияр ПУЛАТОВ,
Бош прокуратура академияси профессори, юридик фанлар доктори

PROTEST



ТАДБИРКОР ҲУҚУҚИ ТИКЛАНДИ

Айни вақтда халқимизни кўп йиллардан буён ўйлантириб, ташвишга солиб келаётган муаммоларни ҳал этишда жойларда ўтказилаётган сайёр қабулларнинг аҳамияти катта бўлмоқда. Хусусан, мана шундай сайёр қабулларнинг бирида пойтахтимизда фаолият юритиб келаётган "Haq-Do`st" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Р.Ҳусанов Тошкент шаҳар ҳокимининг 2015 йил 10 августдаги қарорини бекор қилиш ҳақида мурожаат қилган эди.

Маълум бўлишича, Тошкент шаҳар ҳокимининг 718-қарорига асосан ҳокимнинг 2010 йил 16 августдаги "Haq-Do`st" хусусий фирмасига қурилиш ишларига рухсат бериш ҳақидаги 506-қарори бекор қилинган. Хусусан, 2004 йил 5 мартда "Haq-Do`st" хусусий фирмаси ва "Bimits" хусусий корхонаси ўртасида тузилган олди-сотди шартномасига кўра "Haq-Do`st" Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Чорбоғ 2-тор кўчаси 11-а уйда жойлашган, жами 1726 метр квадрат ерни эгаллаган юк кўтарувчи кран ҳамда бетон қоришма ишлаб чиқарадиган узелни, яъни ягона мажмуа бўлган корхонани сотиб олган. Олди-сотди шартномасига асосан Фуқаролик кодексининг 84-моддаси тартибида кўчмас мол-мулк давлат рўйхатидан ўтказилиб, кадастр ҳужжатлари тайёрлаб берилган.

Шунингдек, шаҳар ҳокимлиги ва "Haq-Do`st" хусусий фирмаси ўртасида 2007 йил 21 сентябрда тузилган ижара шартномасига кўра 2007 йил 1 октябрдан 2012 йил 1 октябрга қадар юк крани ҳамда бетон қоришма ишлаб чиқарадиган узел жойлашган 1726 метр квадрат ер "Haq-Do`st"га ижарага берилган.

Бундан ташқари, 2010 йилда "Haq-Do`st" шаҳар ҳокимлигига тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш мақсадида фирмага тегишли ҳудудда ишлаб чиқариш биноларини қуришга рухсат сўраб мурожаат қилган. Мурожаат кўриб чиқилиб, шаҳар ҳокимининг 2010 йил 26 августдаги 506-қарори билан "Haq-Do`st"га Чилонзор тумани Чорбоғ кўчаси 11-уйда жойлашган ўзларига тегишли ҳудуднинг 0,032 гектар қисмида маъмурий, ишлаб чиқариш ва омборхона биноларини қуришга рухсат берилган.

Шаҳар архитектура ва шаҳарсозлик кенгашининг 2011 йил 18 ноябрдаги баённомасига кўра лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланиб, қурилиш ишлари бошланган. 2014 йил 8 октябрда "Haq-Do`st" билан Тошкент шаҳар ҳокимлиги номидан ҳаракат қилувчи шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ўртасида ижара шартномаси тузилиб, янги шаклдаги кадастр ҳужжати тайёрлаб берилган.

Аммо кейинчалик Тошкент шаҳар ҳокимининг 506-қарори бекор қилиниб, 2015 йил 10 августда ўрнига 718-қарори қабул қилинган.

Ер кодексининг 22-моддасида корхонага, бинога, иншоотга ёки бошқа кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқи, ҳўжалик юритиш ҳуқуқи ёки оператив бошқариш ҳуқуқи бошқа шахсга ўтган тақдирда, ушбу объектлар билан биргаликда мазкур объектлар жойлашган ҳамда улардан фойдаланиш учун зарур бўлган ер участкасига эгалик қилиш ва ундан доимий фойдаланиш ҳуқуқи ҳам ўтиши белгиланган.

Шунингдек, ушбу кодекснинг 26-моддасида ер участкаларини доимий эгалик қилишга ва фойдаланишга, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга, узоқ муддатли вақтинча фойдаланишга, ижарага ва мулк қилиб олган юридик ва жисмоний шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ ер участкасини сақлаш вазифасига оид мажбуриятлар бажарилган тақдирда ўзлари олган корхоналар, бинолар, иморатлар, иншоотларни белгиланган тартибда қуриш, бузиш ёки реконструкция қилишга ҳақлилиги белгиланган. Бундан ташқари, ушбу ҳолатда корхонанинг, яъни тадбиркорнинг мулки дахлсизлиги инобатга олинмаган.

Фуқаролик кодексининг 85-моддасида бутун корхона мулкий комплекс сифатида кўчмас мулк ҳисобланиши; бутун корхона ёки унинг қисми олиш-сотиш, гаровга қўйиш, ижара ҳамда ашёвий ҳуқуқларни белгилаш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ бошқа битимларнинг объекти бўлиши мумкинлиги; мулкий комплекс бўлган корхона таркибига унинг фаолияти учун мўлжалланган ҳамма мулк турлари, шу жумладан ер участкалари, бинолар, иншоотлар, ускуна, инвентар, хомашё, маҳсулот, талаб қилиш ҳуқуқи, қарзлар, шунингдек корхонани, унинг маҳсулоти, ишлари ва хизматларини акс эттирувчи хусусий аломатларга бўлган ҳуқуқлар ва бошқа мутлақ ҳуқуқлар кириши белгиланган.

Ўзбекистон Конституциясининг 53-моддасида хусусий мулк бошқа мулк шаклларини каби дахлсизлиги ва давлат ҳимоясида эканлиги, мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкинлиги белгиланган.

Шу боис Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан мазкур қарорга протест келтирилиб, қонунга зид равишда қабул қилинган қарор бекор қилинди.

Яҳё АБДУРАҲМОНОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи ўринбосари

26 ноябрь куни Халқаро матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

ЗЎЛМГА БЕФАРҚ БЎЛМАНГ

Узоқ йиллар ўқитувчи бўлиб ишлаган аёл ҳикоя қилади:

– Бой қудаларнинг ваъдасига ишониб, қизимни университетни битиришини ҳам кутмай узатдик. Ҳамма ота-оналар каби не-не орзулар қилмаган эдик... Афсус. Куёв зиёли, ўзига тўқ хонадоннинг боласи. Ким ўйлабди ана шу куёвнинг укаси қиморбозлигини? У қизимни ҳеч бир сабабсиз эрининг, қайнонасининг (қайнотаси оламдан ўтган) кўз олдида уриб-тепар экан... Қизим шўрлик яшириб, чидаб юрган. Отамга айтиб қўймасин, катта жанжал чиқмасин деб ҳатто менгаям айтмаган. Бўйида борлигида ҳам урганидан кейин чидолмапти. Эри, қайнонасига ортиқ чидолмаслигини айтганида, "чидасанг шу..." деган жавобни эшитибди.

Қизим шўрлик дардини менга эмас, опасига – катта қизимга айтибди. Эшитиб қандай аҳволга тушдим, ўзимга аён. Лекин "Чида, қизим, ҳарқалай эринг урмаяпти-ку, укасигаям инсоф кириб қолар" дейман фақат. Лекин эримга айтолмайман. Жаҳл устида анави нобакорни бир нима қилиб қўймасин, оловга мой сепмай дейман. Орада фарзандли бўлди. Энди бари изга тушар деб ўйлаган эдик, яна адашган эканмиз.

Майли, уни худо уриб қўйган экан, қизимнинг эри, қайнонаси нима қилган? Нега ахир деб сўрасам нима деганини биласизми? "Нима қипти, янгасини уришга, сўкишга ҳаққи бор" дейди! Ўзларини оқлаш учун шундай деган одамлардан нима кутайлик, айтинг?

Аслида улар ҳам бу бехосият боладан кўрққанидан миқ этишолмаган. Ҳатто қариндош-уруғ, қўни-қўшнилар ҳам ўзларини четга олишган.

Кунларнинг бирида ака-ука ўртасида қаттиқ жанжал чиққан. Ука акасини урган. Эрининг ёнини олиб, ажратишга уринган қизим қаттиқ калтак ебди. Аччиқ устида участка нозирига чиқмоқчи бўлган экан, эри йўлини тўсибди. "Бу гаплар ишхонамга етиб борса, менга гап тегади...". Ана шунақа одамлар ҳам бор экан-да, нимаям қила оламиз?!

Эртаси куни куёв қизимни уч ойлик боласи билан уйимизга ташлаб кетди...

* * *

Ўгай оналар ҳақидаги машъум ҳикояларни эшитмаган ким бор?! Одатда улар яхшилик билан якун топади. Бу ҳикоя ҳам шундай якун топиши мумкин эди. Эҳтимол, яхши якуннинг ўзи шудир...

Воқеанинг қаерда ва қачон бўлгани муҳим эмас: Н.Ғ. ўзи турмушга чиқаётган эркакнинг аввалги аёли вафот этгани, тўртта фарзанди борлигини билар эди. Оила қуришдан олдин бўлажак эрига болаларга ғамхўрлик қилиши ҳақида ваъдалар ҳам берган. Бироқ Н.Ғ.га боғли уйнинг бекаси бўлишига шу нарсидалар тўсиқ бўлаётгандай туюлгани учунми, у ҳимоясиз болаларни қийноққа солишни одат қилади.

Эркак кўчанинг одами, фарзандларининг бу аҳволидан бехабар қолган ёки ўзини билмаганга солган. Балки аёлнинг макрига алдангандир, бизга қоронғу.

У "Бировга айтсаларинг баттар қиламан" дея болаларни муттасил қўрқитиб келган. Унинг бегуноҳ болаларга қилган



зуғумлари, одам боласининг ақлига сиғмайдиган қилғиликлари ҳақида матбуотда ўқигандирсиз.

Болалар ўгай онанинг қилмишлари ҳақида тоғаларига хабар бермагунча бу азоблар давом этаверган...

Савол туғилади: наҳотки одамлар шу қадар бефарқ? Ахир боланинг қўнғлини кўзлари ҳам айтиб туради-ку. Нега биров улардан ҳол сўрамаган?

Ёвуз ўгай она-ку қилмишига яраша жазосини олди. Суд ҳукмига кўра 3 йилу 1 ой муддатга озодликдан маҳрум этилди. Лекин шундай азобларни бошидан кечирган болалар у кунларни унута олармикан?

* * *

Ёш келин-куёвнинг аҳиллиги, бир-бирига бўлган муҳаббати ҳаммасининг ҳавасини келтирар эди. Аммо уларнинг бахтли кунлари узоққа чўзилмади. Тоштемир арзимаган муаммолар учун ҳам Мазлумани калтаклашни одат қилди. Фарзандли бўлишгач ҳам бу одатини ташламади.

Ота-онасига айтсинми ёки ҳуқуқ-тартибот органларига шикоят қилсинми? Ундан кейин нима бўлади? Фарзандининг тақдири нима кечади? Мазлума нима қиларини билмай, хўрликларнинг ниҳоясини кутиб чарчади. Лекин қайнонаси ва катта овсини Тоштемирни гиж-гижлашдан чарчашмади. Қайнотаси-чи? "Турмуш мушт, хотин эрнинг муштига чидаши керак-да" деган одамдан ниманиям кутиш мумкин?

Аёлнинг изтироблардан қариндош-уруғи ҳам, маҳалла-кўй ҳам хабар топмади. Хабар топмади десак, ёлғон бўлар, ҳеч ким хабар олмади. Тоштемир ҳам билганидан қолмади.

Мазлума бир неча марта ота-онасиникига кетиб қолди. "Отангга нима дейман? Қизи эрдан чиқиб келди деган гапни қандай кўтарсин? Ўзинг яхши – олам яхши. Ҳамма айб ўзингда, эрингнинг гапини икки қилма...". Онанинг даккисиям, насиҳатиям бир бўлди. Охирги сафар ҳам Мазлума отасининг кўзига қаролмай, яна рўзғорига қайтди. Кетар чоғи онасига айтди: "Онажон, сизларга кўп ташвиш келтирдим. Хавотир олманг, ўлигим ўша уйдан чиқади...".

Эрининг узлуксиз хўрлашларига унинг бардоши етмади: оғир гуноҳга қўл урди – ўз жонига қасд қилди. Бу биргина Мазлуманинг зулмга, оилавий зўравонликка қарши исёни эмас...

* * *

Уч ҳикояда баён қилинган воқеалар ҳамма замонларда ҳам бўлган. Аммо улар кўпайиб бораётгандай.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 июлдаги "Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек, оилавий-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори моҳиятан зўравонликка учраган аёлларга ёрдамлашиш, оилавий зўравонликнинг олдини олиш ва унинг мудҳиш оқибатларига барҳам беришга қаратилган. Яъни, эндиликда оилавий зўравонлик масаласига давлат миқёсида эътибор қаратилади. Чунки бу муаммо аллақачон оила қўрғонидан ташқарига чиқиб, жиддий ижтимоий муаммога айланган.

Оилавий зўравонликни қандай таърифлаш мумкин? У нимаси билан шахс ва жамият учун хатарли?

Оғир вазиятга тушиб қолган 10 мингга яқин аёлга ёрдам кўрсатилди.

Аслида оилавий зўравонлик фақат бир мамлакат ё халққа хос иллат эмас, у билан инсоният азалдан курашиб келади.

Оилавий зўравонлик – оиланинг бир аъзосига нисбатан бошқа бир аъзосининг мунтазам такрорланиб турувчи зўравонлигидир. У асосан оила ичида рўй беради. Статистикага назар ташласак, бундан асосан аёллар ва болалар жабр кўриши маълум бўлади. Аммо бу оилавий зўравонликнинг жабрини фақат шулар тортади дегани эмас. Аёлнинг эрига, келин ёки куёвнинг бетоб қайнона ёки қайнотасига, катта фарзандининг кичикларига босим ўтказиши ҳам учраб туради.

Оилавий зўравонлик содир этилганда шахснинг ҳуқуқлари бузилади, натижада жабрланган шахс жиддий психосоматик касалликлар орттириши ёки бошқа аянчли ҳолатлар, оғир жиноятлар рўй бериши мумкин.

Оилавий зўравонлик туфайли фарзандларнинг руҳий ҳолати ва ахлоқига жиддий зарар етказилади. Бундай муҳитда ўсган бола асабий, аламзада бўлар экан. Оилавий зўравонликнинг оқибатлари кичик болаларда турли касалликлар шаклида намоён бўлса, ўсмирлар орасида ўз жонига қасд қилишга олиб келиши ҳам кузатилади.

Яна бир маълумотга эътибор қаратсак. Яқинда ҳудудларимиздан бирида аёллар (асосан келинлар) ўртасида ўтказилган ижтимоий сўровда иштирок этганларнинг 14 фоизи оила аъзолари томонидан камситилиши ва эри томонидан ҳақоратланишини, 9 фоизи оилада куч ишлатилгани ёки калтакланганини маълум қилган.

Демак, муаммо аён. Ўзбекистон Президентининг "Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек, оилавий-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада катта аҳамиятга эга.

Қарорга мувофиқ эндиликда аёлнинг ўз жонига қасд қилишига олиб келадиган низоларнинг, депрессив вазиятларнинг олдини олишга қаратилган ишлар кучайтирилади: маҳалла, хотин-қизлар қўмитаси, ички ишлар тизими ҳамкорлигида "хавф гуруҳи" аниқланиб, тушунтириш, огоҳлантириш ва зарур бўлса, жазолаш чоралари қўлланади.

Оилавий зўравонликка учраган аёлларга шошилинч ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш учун реабилитация ва мослашув марказлари очилди. Зўравонликка учраган аёл шу марказлардан паноҳ топиши мумкин. Унга маълум муддатга бошпана, таом, мутахассис (врач, психолог ва ҳ.) ёрдами берилади, зарур бўлса, ички ишлар ходимлари чақирилади.

Жамиятда оилавий зўравонликнинг ҳар қандай кўринишига нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга ҳаракат қилинади. Яъни, фуқароларнинг муштумзўр эр, зулмкор қайнона ёки бошқа қариндошларга нисбатан тоқатсиз бўлиши тарғиб қилинади.

Оилавий зўравонлик ҳақида алоҳида қонун қабул қилинади. Эр-хотин муносабатларига учинчи шахсларнинг аралашуви, жисмоний ва руҳий босим ўтказиш, кишини ўз жонига қасд қилиш даражасига олиб келиш каби барча хатти-ҳаракатлар қонунда қамраб олинади ва уларга бериладиган жазолар белгилаб қўйилади. Зўравонлик учун жазо муқаррарлиги таъминланади.

Ҳозир мамлакатимизда Зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш республика маркази ҳамда 197 та ҳудудий марказ фаолият олиб бормоқда. Уларда 2018 йилда 7463 нафар, 2019 йилнинг 9 ойида эса 9800 дан ортиқ оғир вазиятга тушиб қолган аёлга тиббий, психологик, ҳуқуқий ва бошқа ёрдам кўрсатилди.

Агар эътиборларингиз бўлсак, ҳар биримизнинг қариндошларимиз, дугоналаримиз, танишларимиз, қўшниларимиз орасида оилавий зўравонликка дуч келганлар борлигини кўрамиз. Лоқайд яшашда давом этсак, уларнинг сони ортиб бораверади. Қандай хулоса чиқариш ҳар кимнинг ўзига ҳавола.

Фазилат ЁДГОРОВА,
«Huquq»

2020 йилнинг иккинчи ярмида Ўзбекистонда қайта молиялаш ставкаси туширилади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси М.Нурмуратов маълум қилган.

– Бугун тушда онанг телефон қилиб, сени сўровди, – деди Нурмат кечки овқатдан кейин хотини Мейлихол узатган чойдан ҳўпларкан (исм-фамилиялар ўзгартирилган).
– Нима деди? – ҳовлиқиб сўради Мейлихол. – Тинчликмикан?
– Ҳозир биламиз-да, – Нурмат телефонини титкилаб, қайнотасининг рақамини излай бошлади.



БЕДАПОЯ СУҒОРИШДАН БОШЛАНГАН ЖАНЖАЛ

Мейлихолнинг хавотирланганича бор эди. Нурмат билан турмуш қурганига икки йил бўлди. "Чиққан қиз чиғириқдан ташқари" дейдилару, барибир ота ҳовлисидан кўнгли алағда бўлаверади. Отаси Тошмурод ака ҳеч қаерда ишламайди. Икки акаси ишлагани хорижга кетишган.

Икки опаси эса ўз турмушлари билан овора. Ишламагани етмагандай отаси тез-тез ароқ ичиб келиб, жанжал кўтаради. Бир пайтлар онаси ана шундай жанжаллардан тўйиб ота-онасининг уйига кетиб қолган экан. Ўшанда отаси бошқасига уйланиб, фарзандли ҳам бўлган. Бироқ у билан ҳам чиқиша олмасдан яна биринчи хотинини уйига олиб келган...

Мейлихол онаси билан беш дақиқача гаплашди. Отасининг бақир-чақиридан кўп гапларни эшита олмади. "Ким билан гаплашаяпсан? – афтидан яна ичиб олган бўлса керак, овози ғўлдираб чиқарди Тошмурод аканинг. – Пичоқни олиб бер менга...".

Мейлихолнинг ранги оқариб кетди. Телефонни эрига узатди. Нурмат қайнотасига қайта қўнғироқ қилди. Аммо ҳеч ким жавоб бермади.

– Отам яна жанжал қилаяпти, – деди Мейлихол уф тортиб. – Эшитдингизми, пичоқни олиб бер деб бақирганини...

– Мен бир хабарлашиб келайин... – Нурмат уйидан чиқиб кетди...

Эри топиб келган хабардан Мейлихолнинг оёқ-қўли бўшашиб кетди. Қулоқлари остида жаранглаётган сўзлар олислардан келаётгандай эди:

– Отанг онангни пичоқлаб қўйибди...

* * *

Усталар томдан тушишди. Ювинишди. Овқат сузилди. Мезбон Тошмурод ака улар билан яйраб ўтирди. Ўзи томоғи тақиллаб турувди, баҳона тайёр, усталарга мулозамат кўрсатиш керак, улар билан шаробхўрлик қилди.

Усталарни кузатиб қайтган Тошмурод ака яна айвонга ёнбошлаганди, хотини Гулнозанинг овозидан уйғониб кетди.

– Яна бемалол ётиб олдингиз-а, – деди ҳовлида куймаланиб юрган хотини. – Манави беда қуриб кетди-ку. Суғорсангиз бўлмайдими? Неча кундан бери жағимни ейман, парвойингизга ҳам келмайди.

– Бугун чарчадим, – деди Тошмурод ака эснаганча. – Эртага суғораман...

– Уффф, нима қилдингиз чарчаб? – хотини яна тергашда давом этди. – Бугун у дейсиз, эртага бу дейсиз, ётаверинг, қанча иш қолиб кетаяпти...

– Эртага суғораман дедим-ку... – Тошмурод ака жаҳл билан ўшқирди. Даҳанаки жанг яна давом этди.

– Тинч қўясанми-йўқми, жонимга тегиб кетдинг, ўлдириб қўяман ҳозир, – сархуш Тошмурод ака ўрнидан ирғиб турди-да, гаплари шунчаки пўписа эмаслигини исботлагандай ошхонадан пичоқни олиб келди. Уни ғазаб билан хотинининг кўксига санчди...

* * *

Жиноят ишлари бўйича Чироқчи тумани судида мазкур жиноят тафсилотларига ойдинлик киритилди. Маълум бўлишича, судланувчи Тошмурод Полвонов 1966 йилда туғилган. Маълумоти ўрта-махсус, ҳеч қаерда ишламайди. Беш фарзанди бор. Илгари ҳам икки марта жиноят содир этиб, амнистия актига асосан жиноят иши тугатилган.

Суд мажлисида Тошмурод ака айбига тўлиқ иқрор бўлди. Бундан ташқари, у содир этган қотиллик гувоҳларининг кўрсатувлари ва бошқа далиллар билан ҳам ўз исботини топди. Суд ҳукмига кўра Тошмурод Полвонов ўн йилга озодликдан маҳрум қилинди...

Ҳа, эркак ўзига бешта фарзанд ҳадя этган турмуш ўртоғининг қотилига айланди. Мейлихолнинг қулоқлари остида ўша шумхабар ҳамон жаранглайверади: "Отанг онангни пичоқлаб қўйибди...".

Уч қиз узатилган, икки ўғилга келин кутаётган ҳовлининг тупроғи беканинг қонига бўялди. Ҳовлидаги бедапоя ҳам қуриб қолди.

Баҳодир ХУДОЙҚУЛОВ,
Чироқчи тумани прокурори

ҲАРОМ ЛУҚМА ТАТИМАЙДИ

Метан газ қуйиш шохобчасида босим кескин тушишининг олдини олиш учун яна битта компрессор ўрнатиб қўшимча электр нимкучланиш линиясига уланиш лозим эди.

Шохобча бош муҳандиси Абдурасул (исм-фамилиялар ўзгартирилган) Фарғона шаҳар давлат хизматлари агентлигига мурожаат қилди. Қонун-қоидага кўра 20 киловаттгача кучланишга уланган шаҳар электр тармоқлари корхонаси, ундан юқорисига вилоят электр тармоқлари корхонаси техник шарт бериши белгиланган. Вилоят ЭТК ўрганиш ҳамда тавсия бериш учун аризани шаҳар ЭТКга электрон тарзда юборади. Шаҳар ЭТК бошлиғи ва бош муҳандиси "кенгашиб", тадбиркордан пора ундиришга "бел боғлашади".

Ариза берганидан бир кун ўтиб шаҳар ЭТКнинг бош муҳандиси Ортиқали Абдурасул билан боғланади. Кечки пайт метан газ қуйиш шохобчасига келиб компьютерда электр сарфини ўрганади. Абдурасул шохобча уланган Фарғона нимстанциясининг "Нурафшон" узатмасидан қўшимча кучланиш олишга рухсат берилишини сўрайди.

– Фарғона нимстанциясининг қуввати етмайди, – дейди атайин Ортиқали. – Қиргули нимстанциясидан ячейкалар тортиб келинади. Ҳар бир ячейкага етмиш миллион сўм сарфланади.

Шаҳар ЭТК бошлиғи ва бош муҳандиси тадбиркорни атайлаб қийин вазиятга тушириб қўйиш, сўнг вазиятдан чиқиши учун "ёрдам қўлини узатиш" мақсадида вилоят ЭТКга шохобча Қиргули нимстанцияси орқали тармоққа қўшимча уланиши мумкинлиги ҳақида тавсиянома беришади. Орадан уч кун ўтиб ДХА орқали тавсияномани олган Абдурасул хомчўт қилиб кўрса, Қиргули нимстанцияси орқали қўшимча қувватга уланиш 300 миллион сўмга тушаркан. У Ортиқали билан кўришади.

– Илтимос, ака, қуввати кўтара олса, "Нурафшон" узатмасига уланишимизга ёрдам беринг.

ЭТК бошлиғи ва бош муҳандиси тадбиркорни атайлаб қийин вазиятга тушириб қўйишди.

– Бўпти, ёрдам берамиз, – дейди нишонни бехато олганига амин бўлган Ортиқали. – Қайта ариза ёзасиз. "Нурафшон"дан қўшимча кучланиш олиш учун тавсиянома ва техник шартни тайёрлатиб берамиз. Олти минг доллар берсангиз, ишингиз ҳал бўлади.

– Ака, бир оз камайтиринг.

– Мен бир нима дея олмайман. Берган пулингиз раҳбариятга тақсимланади. Маслаҳатлашиб кўрайчи...

Шаҳар ЭТКнинг бошлиғи Мамасоли бош муҳандисни тинглаб, "бўпти, беш минг беш юз берсин" дейди. Ортиқали бошлиқнинг талабини Абдурасулга етказади. Нафси наҳангларнинг "шарти"га кўнган газ қуйиш шохобчасининг бош муҳандиси аризаси бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари тадбир ўтказишди. Абдурасул Фарғона шаҳридаги давлат божхона бошқармаси биноси ёнида кўришиб, Ортиқалига 4000 АҚШ долларини берди. Қолган бир ярим минг долларни иш битгач бераман деди. Ортиқали кўнди. Ёнига яқинлашган ходимларни кўриб пулни ерга ташлади. Сўнг ўзи териб берди. "Мен ўзимга олганим йўқ, бошлиққа беришим керак эди" деган бош муҳандис тадбирнинг давомида пулни Мамасолига топшириши зиммасига олди. Шаҳар ЭТКнинг бошлиғи кечқурун уйининг олдида "синалган" шериги орқали пора олган чоғида ушланди.

Абдурасулнинг ДХАга такроран топширган аризаси кўриб чиқилиб, метан газ қуйиш шохобчаси "Нурафшон" узатмасидан қўшимча 150 киловатт энергия олиш учун уланди. Бунинг учун бор йўғи 223 минг сўм тўланди.

Ҳаром луқма татимайди деб бежиз айтилмаган. Суд мажлисида нафси ҳақалак отган М.Санжаров О.Тиллаевнинг айби қисман иқрорликларидан ташқари инкор этиб бўлмас далиллар билан исботланди. Порахўрларга олти йил ва тўрт ярим йил озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

Бунёд МЕЛИБОЕВ,
Фарғона вилояти прокуратураси бўлим АМИБ терговчиси

Америкалик ёш таржимон Кристофер Форт ўзбек адиби Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романи АҚШда инглиз тилида нашрдан чиққанини маълум қилди.

FAOLIYATIDAN

«ҚИСҚА ТУТАШУВ» ЙЎЛДАН АДАШТИРДИ

Омонулло (исм-фамилиялар ўзгартирилган) олий маълумотли муҳандис, турли лавозимларда ишлаб, муайян тажриба орттирган. Энергетика тармоқларида қўлланадиган очиқ симу кабеллардан тортиб трансформаторларгача асбоб-ускуналарнинг қўлланиш соҳаларини пухта билган мутахассис Ёзёвон туман электр таъминоти корхонаси омборчиси лавозимига тайинланади. Туман маркази ва қишлоқларнинг электр таъминотини яхшилаш, реконструкция қилиш, янги тармоқлар тортиш учун келтирилган материалларнинг сақланиши ва режали ишлатилиши учун жавобгарликни зиммасига олган омбор мудири таниш-билишларининг илтимосларини ерда қолдиролмайди. Нафсида содир бўлган "қисқа туташув" ёруғ йўлини қоронғи қилиб қўйишини ўйламасдан омбордаги симлар, кабеллар, электр ашёларини зимдан пуллайверади.

Бир йилу уч ой омборчилик қилган йигитга толе кулиб боқади. Туман электр тармоқлари корхонасининг бошлиғи лавозимига тайинланади-ю, нафси баттар ҳакалак отади. Унинг буйруғи билан омборчилар сим ва бошқа ашёларни бировларга бериб юборишаверади. Орадан етти ой ўтиб, корхонага тафтишчилар келганида Омонулло-нинг пайтавасига қурт тушади.

Тафтиш давомида сим, кабель, қотиргич лента, травес, изолятор, стартёр, электр ҳисоблагич қутиси каби 12 турдаги материаллар камомади аниқланади. Омонулло Одилов омборчи бўлиб ишлаган пайтлари фуқаро У.Бахтиёров ва бошқаларга салкам 17 миллион сўмлик, корхона бошлиғи лавозимида ишлаганда эса омборчи Р.Сўпиев ва М.Аҳлиддинов билан "ҳамжиҳатликда" (жиноят ишининг уларга нисбатан қисми тугатилган) 21 миллион 700 минг сўмлик товарларни Ёзёвон туманида яшовчи фуқароларга сотганини тан олди. Суд айбига иқрорлигидан ташқари корхона мулкини талон-торож қилгани гувоҳлар – фуқаровий даъвогар ва қўлда ишлаган ходимларнинг кўрсатмалари, ҳужжатли далиллар билан тасдиқланган, етказилган зарарни тўлиқ қоплаган собиқ бошлиққа муайян муддат муддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлади.

Баҳодиржон ҚЎЛДАШЕВ,
департаментнинг Ёзёвон тумани бўлими бошлиғи

ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛИНГАН БЮДЖЕТ

Иқтисодий жиноятларни содир этиш натижасида жамият, жамоат бирлашмалари ёки фуқароларга моддий зиён етказилади, жамиятнинг иқтисодий негизларига тажовуз қилинади. Улардан энг хавфлиси бировларнинг мулкини талон-торож қилишдир. Ўзгалар мулкини ўзлаштириш усулига кўра Жиноят кодексида талон-торож қилишнинг босқинчилик, товламачилик, талончилик, ўзлаштириш, фирибгарлик, ўғирлик каби шакллари ажратилган.

Бюджет маблағини талон-торож қилиш ва бошқа қонунбузилишларни аниқлаш ва етказилган зарарни ундириш борасида департаментнинг Тошкент вилояти Тошкент тумани бўлими томонидан бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Хусусан, "Қишлоқ қурилиш инвест" МЧЖ ИК Тошкент вилоят филиали ва "Regulyar stroy" МЧЖ ўртасида 2017 йил 20 сентябрда Тошкент тумани Кўктерак массивида уйларнинг ичимлик сув тармоғини қуриш бўйича 523,3 млн. сўмлик шартнома тузилган. Объектда бажарилган ишлар ўрганилганда жамият раҳбари Илҳом Эшонқулов 377,1 млн. сўмлик бажарилмаган қурилиш-монтаж ишларини далолатномага бажарилган деб қўшиб ёзиб, 285,6 млн. сўм пулни талон-торож қилгани аниқланган.

Мазкур ҳолат юзасидан айбдорга нисбатан ҳуқуқий таъсир чоралари кўрилди.

Обидхон БОСИТХОНОВ,
департаментнинг Тошкент тумани бўлими иш юритувчиси

ВИЖДОН ОЛДИДАГИ ЖАВОБГАРЛИК-ЧИ?!

Нафсига қул бўлган одам алалоқибат йўлдан адашади. Тафсилоти баён этилаётган жиноят ишида бир занжирга бирлашган кишиларни ана шу нафс бир-бирига яқинлаштирган бўлса ажаб эмас.
Бири Бухорода, бошқаси Самарқанд, Қашқадарё ва Жиззахда туриб ҳам жиноий шерикка айланишди. Ҳаромдан ҳазар қилмаган жиноий гуруҳ аъзолари оилали, ҳар бирининг фарзандлари бор. Улар дастурхон атрофида болаларига ҳалоллик ҳақида насиҳат ҳам қилиб туришгандир, бу бизга қоронғу...

Судланувчи Ғ.Ҳужжатов бир неча йилдан буён "Ўзпахтасаноат" АЖ тизимидаги пахта тозалаш корхоналари ва пахта қабул қилиш пунктларига тарози етказиб беради. Кўрсатаётган хизматлари туфайли у раҳбарлик қилган жамият ушбу соҳада ишончли корхоналардан бирига айланди. Ушбу мавқедан фойдаланган тадбиркор ҳамкорларининг ишончини суиистеъмол қила бошлади. 2018 йил апрель ойида "Ўзпахтасаноат" тизимидаги электрон автомобиль тарозиларининг эҳтиёт қисмларини ўзгартириш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича интернет орқали танлов эълон қилинганини эшитиб, танловга сохта ҳужжатлар тақдим этиш ва сунъий рақобатни юзага келтириш орқали ғолиб чиқишни мақсад қилганидаёқ нияти тоза эмас эди.

"Qarshi standart etalon" МЧЖнинг республика миқёсида тарозилар учун эҳтиёт қисмлар етказиб бериш имконияти бўлмаса-да, ушбу жамият раҳбари Б.Қораев имзолаган, жамиятнинг муҳри қўйилган, лекин тўлдирилмаган бланкалари ўзида бўлганидан фойдаланди. Ҳеч нарсадан тап тортмай жамият номидан 2018 йил 16 апрелда "Ўзпахтасаноат" номига тарозиларнинг эҳтиёт қисмларини етказиб бериш ва уларга хизмат кўрсатиш ҳақида оширилган нархлардаги 12-тижорат таклифини тайёрлаб, танлов комиссиясига тақдим этди.

Шунингдек, Ғ.Ҳужжатов жиноий ҳаракатларини давом эттириб, 2018 йил 17 апрелда фаолияти тугатилган ва жамият раҳбари вафот этган "Maroqand savdo prestij" МЧЖ номидан 8-тижорат таклифини, 2018 йил 16 апрелда "Tarozi servis" ХК номидан 25-тижорат таклифини тайёрлади. Нархларни сунъий равишда ошириб, жамиятларнинг муҳри ва имзоларини қалбакилаштириб, танлов комиссиясига тақдим этди. Шу орқали сунъий рақобатни вужудга келтириб, ўтказилган танловда гўёки энг мақбул нархни таклиф этган корхона сифатида "Tarozi klass" МЧЖнинг ғолиб бўлишига ва пахта тозалаш корхоналари билан шартнома тузишига эришди.

Ғ.Ҳужжатов жиноий ҳаракатларини шу билан тўхтатмади. Мақсадига эришиш учун жамиятда бош муҳандис лавозимида ишлаб келган Ғ.Ходжатов билан тил бириктириб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг "2018 йил ҳосили пахта хомашёсини йиғиб-териб олиш ишларини уюшқоқлик билан ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида маҳсулот етиштирувчилардан пахтани қабул қилиб олишда ахборот-коммуникация технологияларидан ва электрон тарозилардан фойдаланган ҳолда жараённинг шаффофлигини таъминлаш белгилаб қўйилган бўлса-да, улар ўзларининг режаларини амалга оширишга киришди. Яъни пахтани "Uzpaxta-1C" дастури орқали онлайн режимда қабул қилиш йўлга қўйилганини била туриб, ушбу қарорлар талабига зид равишда "Ўзстандарт" агентлиги ходимлари томонидан тамғаланган тарозининг "калибровка" тугмасига ўзгартириш киритишди.

Тарозиларни модификациялаштириб, қўлбола ускунадан фойдаланган ҳолда "калибровка" орқали тарозининг дастурий тизимларига ўзгартириш киритиб, у орқали узатилаётган ахборотларга зарар етказиш ҳамда тарози фақат ўзлари ясаган ускуна билан "калибровка" қилинишини таъминлаш мақсадида жиноятга қўл уришди.

2018 йил август-сентябрь ойларида "Ўзпахтасаноат" тизимидаги пахта тозалаш корхоналари билан тузилган шартномаларга асосан етказиб берилаётган тарозилар индикатор таблоси қурилмасининг микросхемаларига ўзгартириш киритишди. Тарозиларнинг завод усулида тайёрланган тугмаларини олиб ташлаб, бу орқали унинг тамғасини бузмасдан туриб исталган вақтда "калибровка" қилиш имкониятини яратиб, "калибровка" қилиш учун мўлжалланган клавиатура ускунасини ўзлари ишонган Д.Бобоев, Б.Қораев, А.Сулаймонов, А.Мавлонов ва бошқа шахсларга беришди.

Шоввозлар тамғаланган тарозининг «калибровка» тугмасига ўзгартириш киритишди.

Бу ёғига жиноят занжири жипслашиб, катталашиб бораверди. Жумладан, Ғ.Ҳужжатов "Tarozi klass" МЧЖ бош муҳандиси Ғ.Ходжатов, А.Мавлонов ва "Сардоба пахта тозалаш" АЖга қарашли "Бобур" пахта пункти 2-зона товаршуноси А.Сулаймонов ҳамда бошқа шахслар билан жиноий тил бириктирди.

2018 йил 20 сентябрь куни "Бобур" пахта пунктида ўрнатилган электрон автомобиль тарозисини қўлбола усулда ясалган клавиатура ускунаси билан "калибровка" қилиб, шу усул билан юкнинг ҳақиқий вазнига нисбатан кам кўрсатадиган қилиб ўзгартираётганида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан қўлга олинди.

"Мўғлон", "Жума пахта тозалаш" пахта пунктларидаги тарозиларда ўз "услуб"ларини қўллаб, 2015 йил 28 февралда "O'zbekiston XXI asr" МЧЖга 125 млн. сўмлик, 2017 йил 14 сентябрда "Qarshi standart etalon" МЧЖга 111 млн. 700 минг сўмлик электрон автомобиль тарозиларини, жами 236 млн. 700 минг сўмлик маҳсулотни нақд пулга сотиб юбориб, тушумни банкка кирим қилмасдан, товарлар савдоси ва хизмат кўрсатиш қоидасини бузишган. Бу қинғирликлар оқибатида 483 млн. 153 минг 200 сўм солиқ ҳисоботларда акс эттирилмаган. 996 млн. 591 минг 200 сўмлик пахтани терговда аниқлаш имкони бўлмаган шахсларга сотиб юбориб, талон-торож қилишган.

Ноқонуний фаолият олиб борган жиноий гуруҳ суд олдида жавоб берди.

Шуҳрат САДУЛЛАЕВ,
департаментнинг Бухоро вилояти бошқармаси бўлим катта инспектори

Самарқандда «UzAutoTrailer» компанияси «КамАЗ» билан ҳамкорликда янги йиғув линиясини ишга туширди.

Ғарбий Австралия университети олимлари ўтказган тадқиқот натижаси эркакларнинг юзига қараб, шахснинг ўз турмуш ўртоғига нисбатан хиёнатга қанчалик мойил эканини юқори даражада аниқлаш мумкинлигини кўрсатди. Бироқ олимлар аёлларнинг юзи ўз эгасини «сотмаслиги»ни таъкидламоқда. «Эркак ва аёл иштирокчилар биргаликда эркакларнинг юзидан хиёнатга мойиллигини деярли тўғри тахмин қила олдилар, лекин аёллардаги бундай белгиларни аниқлашнинг у қадар имкони бўлмади», – дейилади тадқиқотда.



SUD OCHERKI

ХИЁНАТ ОРТИДАГИ ЖИНОЯТ

Балки шунинг учун ҳам Талъат Юнусов турмуш ўртоғининг анчадан буён хиёнат қилиб юрганини сезмагандир. Унинг аёли телеграм орқали ўзига жазман орттирди ва эрининг бошига етди. Воқеани батафсил ҳикоя қиладиган бўлсак, у 2016 йилга бориб тақалади (марҳум ва жабрланувчининг исм-фамилияси ўзгартирилган).

Талъат Юнусов пойтахтимиздаги кўз касалликлари хусусий клиникасида шифокор бўлиб ишлар эди. Қирқ ёшни қоралаган шифокор эрталаб ишга кетгач, ўзидан етти ёш кичик бўлган турмуш ўртоғи Шаҳина уйда ёлғиз қоларди. Эрини ишга кузатган аёл уй ишларини апил-тапил бир ёқли қилиб, телефонини қўлга олиб интернетдаги ижтимоий тармоқларда турли шахслар билан "смс"лашиб ўтиришни одат қилади. Телефондан бошини кўтармай ўзига "ўргимчак тўри" орқали таниш орттириб, кунини кеч қилаётган Шаҳина бир кун келиб, бошқа бир эркак учун эрмак бўлиб қолишини хаёлига келтирмасди.

Шундай кунларнинг бирида у телеграм орқали Сарвар Тошмуҳаммедов билан танишиб қолади. Икки тенгдош ўртасидаги ёзишмалар бора-бора ишқий мавзуларга уланиб, уларни учрашувга ундайди. Икки томон ҳам оилали бўлса-да, шайтонга хайф беришмайди. Шаҳина биринчи учрашувдаёқ Сарварни ўзига мафтун қилади. Хуллас, улар тез-тез учрашишни одат қилишади. Бундай учрашувлар эса хиёнатга йўл очади.

2016 йилнинг август ойидан бошланган ишқий муносабатлар аста чуқурлашиб борар, энди Сарвар оилали аёлга ўз хотинидек муносабатда бўларди. Шаҳина турмуш ўртоғини ишга кузатгач, Сарварга қўнғироқ қилиб уйига чақирар, номаҳрам эркак билан кечгача бирга бўларди.

Бир куни вақт алламаҳал бўлганда Шаҳина эри келиб қолишини айтиб, Сарварга тезроқ кетишини айтади. Аёлни гўёки бутунлай ўзиники қилиб олган эркакка унинг бу гаплари ёқмайди. "Эринг билан ажраш, сени никоҳимга оламан" дейди Сарвар кийимларини қўлига тутқазаётган Шаҳинага. "Ҳозир тезроқ кетишингиз керак, бу масалани телеграм орқали гаплашамиз" дея жазманини кузатиб юборади аёл. Эртасига Шаҳина эри билан ажрашмаслигини айтиб, унинг таклифини рад этади. Унинг бу жавоби Сарварнинг ғазабини қўзғатади. Хаёлида агар эрини бир ёқлик қилса, аёл билан бирга уй-жой ҳам ўзига қоладигандек эди.

С.Тошмуҳамедов тузган режасини амалга ошириш учун ўзига шерик қидира бошлайди. Сўраб-суриштириб, бу ишга лаббай дея жавоб берадиган шахсни топади. Тахмин қилинганидек, Сарварнинг чорловига Мустафо Темиров йўқ демади. 1995 йилда туғилган бу шахс аввал ҳам талончилик қилгани учун бир неча йилга озодликдан маҳрум этилиб, жазо муддатини ўтаб чиққан эди.

Икковлон келишиб олгач, бунинг учун керак бўладиган нарсалар, яъни арқон ва скотч сотиб олишади, пойтахтнинг чеккароқ жойидан уй ҳам топиб, қабиҳ ишларини ўша ерда амалга оширишни режа қилишади. С.Тошмуҳамедов режага асосан Т.Юнусов ишлаётган клиникага боради. Уни топиб, касал борлигини, юра олмаслиги сабабли уйда муолажа қилишини илтимос қилиб, алдайди. Ҳеч нимадан хабари йўқ Т.Юнусов унинг гапларига ишонади ва беморга ташхис қўйишда керак бўладиган тиббий асбоб-анжомларини олиб чиқади. Сарвар шифокорни ўз машинасида қабиҳлик учун тайёрлаб қўйилган манзилга олиб келади. Т.Юнусов уйга кириши билан икковлон уни уриб, тепиб, оёқ-қўлини боғлаб ташлашади. Бу ҳам етмаганидек, ожиз аҳволда қолган Т.Юнусовни қийноққа солишади. Унинг "Нима учун, айбим нима?" деган саволига С.Тошмуҳамедов "Сенинг хотининг менинг жазманим, у билан кўнгилхушлик қилишимга шунча вақтдан буён халақит қилиб келдинг, энди бунга чек қўяман" деб дағдаға қилади.

Инсонийлик қиёфасини йўқотган икковлон Т.Юнусовни оёқ-қўллари боғлиқ ҳолда уч кун мобайнида сувсиз, овқат бермасдан ўша жойда сақлашади. Учинчи куни С.Тошмуҳамедов "Бунинг жони қаттиқ экан, ёрдамлашиб юборамиз шекилли" дея қўлига арқон олиб, уни бўйнидан бўғиб ўлдиради ва жасадни гиламга ўраб қўяди. Тун ярмидан оққанида Сарвар таниши М.Мераимовга қўнғироқ қилиб, юк борлигини, Бектемир туманига олиб бориш кераклигини айтади. "Газель" машинасида айтилган манзилга келиб "юк"ни кўргач М.Мераимовнинг ҳуши бошидан учаёзади. С.Тошмуҳамедов эса унга кўрганларини ҳеч кимга айтмаслигини тайинлайди, гиламга ўралган жасадни Чирчиқ дарёси қирғоғига кўмиб ташлашади.

Шундан сўнг марҳумнинг тиббий асбоб-ускуналари, телефонларини сотиб юборишади. Пластик картасидаги 4 миллион сўмдан ортиқ пулни ҳам Сарвар ўз эҳтиёжи учун сарфлаб юборган экан. С.Тошмуҳамедов ёпиқ қозон ёпиқлигича қолади, ундан ҳеч ким хабар топмайди деб қаттиқ янглишди.

Ўғли бир неча кундан буён йўқолиб қолганини билган Т.Юнусовнинг онаси бу ҳақда ҳуқуқ-тартибот идораларига хабар беради. Тезкор-қидирув ва суриштирув жараёнида Т.Юнусовни сўнгги бор С.Тошмуҳамедов олиб кетгани маълум бўлади. Клиникадаги кузатув камералари ёрдамида Сарварнинг шахси аниқланиб, қўлга олинади. Дастлабки тергов жараёнида унинг ҳамтовоқлари ҳам ушланади. Фойдаланаётган телефонлари уланган мобил компаниялардан қотилларнинг ўзаро суҳбатлари ёзилган аудиотасмалар олиб эшитилганда ҳам уларнинг мақсадига аниқлик киритилади. Мурда кўмилган жойидан олиниб, ДНК экспертизаси ўтказилади ва жасад ҳақиқатан Т.Юнусовники экани маълум бўлади.

Афсуслананарлиси, М.Мераимов қотилликда иштирок этмаса-да, мазкур қабиҳлик ҳақида тегишли жойга вақтида хабар бермагани учун жавобгарликка тортилди.

Суд ҳукмига кўра С.Тошмуҳамедов 18 йил, М.Темиров 17 йилга озодликдан маҳрум қилинган бўлса, М.Мераимовга ҳам қилмишига яраша жазо тайинланди.

Элбек ИНАМДЖАНОВ,
Тошкент шаҳар прокурорининг ўринбосари
Камолиддин АСҚАРОВ,
«Huquq»

Токио олимпиадасида ўзбек миллий санъати намойиш этилади.

FAOLIYATIDAN

Қарз, арз ва ундирув

Бюронинг Самарқанд вилояти бошқармаси ва туман, шаҳар бўлимларига йил бошидан буён келиб тушган 12 300 дан ортиқ мурожаатнинг 6400 таси алимент ундириш билан боғлиқ.

Ушбу мурожаатларнинг 3880 таси қаноатлантирилиб, 3 532 кишининг бузилган ҳуқуқлари тикланди. Қарздорлардан 3,2 миллиард сўм алимент ундирилди.

Бугунги кунда вилоятимизда "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонун талабларига риоя этилиши доимий равишда ўрганилиб, алимент ундириш билан боғлиқ алоҳида дастур ишлаб чиқилган. Алимент ундиришга оид ижро ҳужжатлари ижросини ўрганиш бўйича давлат ижрочиларидан

Алимент бўйича 6 мингдан ортиқ мурожаат бўлган.

иборат гуруҳ тузилган.

Шу пайтгача 7750 та алимент иши бўйича қарздор ва ундирувчилар билан суҳбат ўтказилиб, 1190 та оила яраштирилди, 700 нафарга якин қарздор ишга жойлаштирилди. 15,3 млрд. сўм пул ундириб берилди. Алимент тўловчиларнинг масъулиятини ошириш мақсадида 330 нафар қарздор маъмурий жавобгарликка тортилди.

Кўрилган чоралар натижасида 2507 та алимент ундириш ҳақидаги ижро ҳужжати тамомланди. Муҳими, алимент билан боғлиқ қонунчиликнинг такомиллаштирилиши натижасида алимент пулини бирйўла тўловчилар, алимент тўловчи ва ундирувчининг келишуви асосида масалани ижобий ҳал этиш кўрсаткичи кўпайди.

Учқун БУТУНОВ,
МИБ Самарқанд вилояти бошқармаси бошлиғи ўринбосари



Қидирувдаги автоуловлар

2019 йил 12 августда Мажбурий ижро бюросининг Бойсун туман бўлими иш юритувига "Бойсун-сифат-қурилиш" МЧЖдан "Шихназар агро" фермер хўжалигининг 32 миллион 485 минг сўм қарзини ундириб бериш тўғрисидаги ижро ҳужжати келиб тушган.

Ижро ҳаракатлари давомида жамиятнинг балансида "КамАЗ" юк машинаси ва "Cobalt" автомобили борлиги аниқланган. Мазкур транспортлар қаердалиги тўғрисида маълумот бўлмагани сабабли давлат ижрочиси томонидан қидирув эълон қилинган. Натижада машиналар Термиз шаҳридан топилган.

Жамият раҳбарларига қонун талаби тушунтиригач, ижро варақасида кўрсатилган қарз тўлиқ тўлаб берилди.

Дилафрўз ҚУРБОНОВА,
МИБ Сурхондарё вилояти бошқармаси катта инспектори

Йўлини топди-ю...

Инсон яхши яшаш илинжида нималар қилмайди дейсиз. Орзулари ушалиши учун ромитанлик Шодия Иноятова ҳам Россияда ишлаб келди. Топган пулига уй қуриб, турли хил электр жиҳозлари сотиб олди.

Лекин ишлатилган электр пулини тўлаш унга малол келди. Ўйлаб-ўйлаб ўзича қулай "йўли"ни топди.

Микротўлқинли печ, музлаткич, телевизор, кондиционер, сув насоси, сув иситиш қозонини электр тармоғига яширинча улаб, "туя кўрдингми, йўқ" қабилида юраверди.

МИБнинг Ромитан туман бўлими ходимлари Шодия Иноятованинг хонадонида ўтказган мониторингда унинг электр энергиясидан ноқонуний фойдалангани фош этилди ва керакли ҳужжатлар расмийлаштирилди. Таъминотчи корхонага етказилган 25 миллион 345 минг 500 сўм зарарни тўлагани боис унга нисбатан жиноят иши қўзғатиш рад қилинди.

Фируз МУРОДОВ,
МИБ Ромитан тумани бўлими бошлиғи

Сув текин эмас!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 ноябрдаги "Сув таъминоти ва сув чиқариш соҳасида тўлов интизомини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонига мувофиқ 2018 йил 1 январдан бошлаб барча истеъмолчиларга сув 100 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида етказиб берилмоқда. Олдиндан ҳақ тўламаган истеъмолчига нисбатан сув таъминоти тизимидан тўлиқ узишгача бўлган чоралар кўриш Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси зиммасига юклатилган.

Афсуски, айрим тадбиркорларимиз ҳозирга қадар сув текин қабилида иш тутишмоқда. Масалан, Андижон шаҳридаги "Обод диёр нафосати" МЧЖ таъминотчи корхона билан ичимлик суви учун шартнома тузмай, ҳисоблаш ускунаси ўрнатмай, сувдан ноқонуний фойдаланиб келгани аниқланди. Шаҳардаги "Ҳожи она савдо" МЧЖ ходимлари ҳам ҳеч қандай ҳисоблаш ускунасисиз сувдан фойдаланаётган экан. "Дубай бизнес" МЧЖ ҳам сувдан ноқонуний фойдаланган аниқланди.

Бундай ноқонуний фойдаланиш оқибатида "тадбиркор"лар давлатга жами 20,6 млн. сўм зарар етказган. Бюро томонидан улар сув тармоғидан узилиб, етказилган зарар тўлиқ ундирилди ҳамда айбдорларга маъмурий жазо қўлланди.

Саидкамол ИБРАХИМОВ,
МИБ Андижон вилояти бошқармаси катта инспектори

Уланишнинг пинҳона усули

Энергия ресурсларидан фойдаланиш шартномавий-ҳуқуқий муносабат саналади ва белгиланган тартиб-қоидаларга риоя этишни тақозо қилади.

Шу боис бу борадаги ҳуқуқбузарликларни фош этишга жиддий эътибор қаратилмоқда.

2019 йилнинг ўтган даврида МИБнинг Қизилтепа туман бўлими ходимлари ўтказган мониторингда энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланиш билан боғлиқ 104 та ҳуқуқбузарлик аниқланди. Таъминотчи корхоналарга етказилган 156 миллион 245 минг сўмлик зарардан 131 миллион 406 минг сўми ундирилиб, жавобгарлик масаласи ҳал этилди.

156 млн. сўмлик зарар ундирилди.

Лекин кўрилаётган чораларга қарамай айрим шахслар электр ёки газдан ноқонуний фойдаланаётгани кузатилмоқда. Хусусан, Қизилтепа тумани "Оқмачит" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Шавкат Ботиров (исм- фамилиялар ўзгартирилган) табиий газ тармоғига яширинча уланган аниқланди. У хонадонига пинҳона усулда 28 метр газ қувури тортиб, ҳаммомдаги печни иситиб келаётган экан. Ҳуқуқбузардан таъминотчи корхонага етказилган зарар тўлиқ ундирилди.

Анвар ҒАФФОРОВ,
МИБ Қизилтепа тумани бўлими бошлиғининг ўринбосари

Алимент суд залида тўланди

Фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судининг ижро ҳужжатига асосан Расулжон Йигиталиевдан Дилором Шоматовага бир фарзандининг моддий таъминоти учун алимент ундириш белгиланган.

2019 йил 1 июнда Р.Йигиталиевнинг алиментдан қарзи 7 млн. 267 минг сўмга етган. Шундан сўнг унга нисбатан тўпланган ҳужжатлар МЖТКнинг 47-4-моддаси 1-қисмига асосан жавобгарлик масаласини ҳал этиш учун Мингбулоқ тумани маъмурий судига юборилди.

Олиб борилган тушунтиришлар натижасида қарздор қарзини тўлиқ тўлади ва суд залидан озод қилинди.


Яна бир мисол. Фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судининг қарорига кўра Ботиржон Искандаров Пайзиниса Искандаровага бир фарзандининг моддий таъминоти учун алимент тўлаб бориши керак эди. Лекин у алимент тўламай юрган. Натижада қарзи 3 млн. 284 минг 233 сўмга етган.

Унга нисбатан тўплаган ҳужжатлар Мингбулоқ тумани маъмурий судига юборилди. Хатосини тушуниб суд жараёнида қарзини тўлаб бергани учун у ҳам маъмурий қамоқ жазосидан қутулиб қолди.

Илҳомжон ҚОДИРОВ,
МИБ Наманган вилояти бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Тошкент жамоат транспортида 2020 йил 1 январдан QR-кодли чипталар жорий этилади.

Хабарингиз бор, 2019 йилнинг 18 ноябрь санасидан мамлакатимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайлови бўйича сиёсий партияларнинг ва депутатликка номзодларнинг сайловолди ташвиқотига старт берилди. Қуйида сайловолди ташвиқотига доир муҳим масалалар ҳақида маълумот берамиз.



ТАШВИҚОТ ТАРТИБИ БУЗИЛСА, ЖАВОБГАРЛИК МУҚАРРАР

Сайловолди ташвиқоти нима?

Сайловолди ташвиқоти — сайлов кампанияси даврида амалга ошириладиган ва сайловчиларни номзодни ёки сиёсий партияни ёқлаб овоз беришга ундашга қаратилган фаолиятдир.

Ташвиқот қачондан бошланади ва қачон тугайди?

Сайловолди ташвиқоти номзодларни рўйхатга олиш учун белгиланган охирги кунининг эртасидан бошланади.

Сайлов куни ва овоз беришга бир кун қолганида ташвиқотга йўл қўйилмайди.

Ташвиқот вақтида нималар тақиқланади?

Ташвиқотни сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматларидан ташқари), шунингдек пул тўлаш билан қўшиб олиб бориш тақиқланади.

Ташвиқот қандай шакл ва усулларда олиб борилади?

Ташвиқот омма олдида очиқ мунозаралар, баҳслар, матбуот конференциялари, фуқароларнинг йиғилишлари, интервьюлар, оммавий ахборот воситаларида чиқишлар, роликларни жойлаштириш шаклида олиб борилиши мумкин.

Ташвиқот:

— оммавий ахборот воситалари, телекоммуникация тармоқлари, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали;

— босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини (плакатлар, варақалар ва бошқа материалларни) чиқариш ҳамда тарқатиш орқали;

— сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали амалга оширилади.

Ташвиқот ишлари олиб боришда Сайлов кодексида тақиқланмаган бошқа усуллардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Сайловолди ташвиқотида имкониятлар тенглиги қандай тартибда таъминланади?

Ташвиқот олиб борилаётганда давлат оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда бошқа талаблар барча учун тенг ва бир хил бўлиши керак.

Ташвиқот материаллари учун қандай талаблар бор?

Ташвиқот материаллари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тайёрланиши керак.

Босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларида:

— ташвиқот материалларини тайёрлаган юридик шахснинг номи (жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми), жойлашган ери (почта манзили) ва у ҳақдаги бошқа маълумотлар;

Сайлов куни ва овоз бериш бошланишидан бир кун олдин жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари прогнозларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни эълон қилиш (ҳаммага маълум қилиш), шу жумладан ахборот тармоқларига, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғига жойлаштириш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси 103-модда

ҳажмига кўра бир хил бўлган эфир вақтини ва нашр майдонини бепул бериш йўли билан тенг шароитлар таъминланади.

Давлат оммавий ахборот воситаларида ҳақ эвазига ҳам эфир вақти ёки нашр майдони ажратилиши мумкин.

Нодавлат оммавий ахборот воситаларида қонун ҳужжатларига мувофиқ эфир вақти ёки нашр майдони ажратилиши мумкин.

Оммавий ахборот воситалари томонидан эфир вақти, нашр майдони учун белгиланадиган ҳақ тўлаш шартлари ҳамда

— ташвиқот материалларига буюртма берган юридик шахснинг номи (жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми);

— ташвиқот материалларининг адади, чиқарилган санаси тўғрисидаги ахборот кўрсатилган бўлиши керак.

Сайловчилар билан учрашувлар қандай ташкил этилиши керак?

Сайловчилар билан учрашувларни ўтказиш жойи ва вақти ҳақида округ ёки участка комиссиясига маълум қилинади, мазкур комиссиялар бу ҳақда сайловчиларни олдиндан хабардор қилади.

Тегишли ташкилотлар учрашувлар ўтказиш учун жиҳозланган хоналарни бепул ажратиши, зарур маълумот ва ахборот материалларини олишда ёрдам кўрсатиши шарт.

Бир номзод бошқа бир номзод томонидан ташкил этилган сайловчилар билан учрашувларда иштирок этиши мумкинми?

Ҳа, мумкин. Номзод ёки унинг ишончли вакили бошқа номзод ёки унинг ишончли вакили билан биргаликда сайловчилар билан учрашувлар ўтказишга ёхуд бошқа номзод томонидан ташкил этилган сайловчилар билан учрашувларда иштирок этишга ҳақли.

Ташвиқот олиб бориш шартлари ва тартибини бузганлик учун қандай жавобгарлик бор?

Сайловолди ташвиқотини олиб бориш шартлари ва тартиби номзод, ишончли вакил, сиёсий партия вакили ёки мансабдор шахс томонидан бузилиши 1 млн. 561 минг сўмдан 2 млн. 230 минг сўмгача жарима солишга сабаб бўлади.

Эслатма:

Ташвиқот давомида нотўғри ахборотни, шунингдек номзодларнинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказадиган маълумотларни тарқатиш тақиқланади.

КЕЛГУСИ СОНДА

Учрашувга келган йигитни шантаж қилмоқчи бўлишди.

HUQUQ
YURIDIK GAZETA

MUASSIS:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

BOSH MUHARRIR:
Jahongir MAKSUMOV

TAHRIR HAY'ATI:
Erkin YULDASHEV
Halim BOLTAYEV
Sodiqjon NAZAROV
Hayot SHAMSUTDINOV
Utkirjon DEXKANOV
Maqsudali QAMBAROV

TAHRIRIYAT MANZILI:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40, Faks: 233-10-53, 233-64-85

www.huquq.uz
info@huquq.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallari ko`chirib bosilganda manbaa sifatida gazeta nomi ko`rsatilishi shart.
[t] – tijorat materiali.

Buyurtma v-3933.
15 934 nusxada bosildi.
Oog'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: **H.NISHONOV**
Sahifalovchi: **S.BOBOJANOV**

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi. Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O`zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O`zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda **0188**-raqam bilan ro`yxatga olingan.

ISSN 2010-7617

Мамлакатимизда ободонлаштириш ходимларининг ойлигини ошириш режалаштирилмоқда.



Жасур Жалолиддинов Италиянинг футбол клубига ўтади

«Бунёдкор» клубининг иқтидорли яримҳимоячиси Жасур Жалолиддинов декабрь ойида Италияга йўл олади.

Футболчимизга Италия Б серияси вакили «Беневенто» жамоаси қизиқиш билдирган. Ўз даврининг энг кучли ҳужумчиларидан бири бўлган Филиппо Инзаги мураббийлик қилаётган клуб айни вақтда Б серияда пешқадам бўлиб турибди. Айнан бош мураббийнинг истагига кўра Жасур Жалолиддинов кўрикдан ўтиш учун «Беневенто»га таклиф этилган.

Аввалари ҳам шунга ўхшаш хабарлар пайдо бўлар, аммо ҳеч қандай ўзгариш бўлмас эди. Баъзида клубларимиз тарбияланувчисини Европага жўнатиш ўрнига катта даромад илинжида беш қўлини оғзига тиқиб, футболчиларнинг келажагига тўсқинлик қилишаётган эди. "Бунёдкор" мутасаддилари эса тўғри йўлни танлашди.

"...Яқинда Президентимизнинг футболга оид фармони лойиҳаси эълон қилинди. Фармонда кўплаб иқтидорли футболчиларни тарбиялаб, Европага жўнатиб, шу орқали терма жамоаларимизни кучайтириш вазифаси белгиланган. Шу боис биз Жасур Жалолиддиновни трансфери учун катта пул сўрамасдан «Беневенто»га қўйиб юборамиз. Италияликларнинг таклифига кўра шартнома ҳозир имзоланади ва келаси йили июль ойидан кучга киради. Чунки Жасур Жалолиддинов ҳозир 17 ёшда, ҳали 18 ёшга тўлмаган. Агар «Беневенто» мавсум якунига кўра ўз мақсадига эришиб, кучли учликда қолса, келаси мавсумдан ўзбек футболчиси яна А серияда ўйнаши мумкин бўлади», – деди клуб бош директори Улуғбек Мирзаев.

Клублар ўртасидаги шартномаларда футболчининг янги жамоасидаги ҳаракатлари, жамоа билан қўлга киритган совринлари учун қўшимча бонуслар кўрсатилади. Шунингдек, футболчи келажакда ўз ўйинлари билан кучли клубларнинг эътиборини тортиб, бошқа жамоага ўтказиладиган бўлса, уни тарбиялаган клуб бундан бебаҳра қолмайди, яъни трансфер суммасининг шартномада белгиланган қисми ўтказиб берилади. Демак, яхши футболчини тарбиялаган клуб ҳеч қачон ютқазмайди.

Россия икки йирик турнирдан четлатиладими?

Футбол бўйича Россия миллий терма жамоаси "Евро-2020" ва "ЖЧ-2022"да қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин.

Россиянинг Санкт-Петербург шаҳри "Евро-2020" турнирининг финал учрашувлари ва 2021 йилги УЕФА чемпионлар лигаси финал баҳси мезбонлигидан четлатилиши мумкин.

Гап шундаки, Жаҳон антидопинг агентлиги (WADA) Россияни 4 йилга ҳар қандай халқаро мусобақадан четлатишни таклиф қилмоқда. Шунингдек, Россия терма жамоаси 2022 йили Қатарда бўладиган жаҳон чемпионатида ҳам иштирок этолмаслиги мумкин.

"WADA"нинг таклифи россиялик спортчиларнинг допинг тестларидан ўтолмагани билан боғлиқ.



Теннисчиларимизни жиддий синов кутмоқда


Халқаро теннис федерацияси томонидан келаси йили эркаклар ўртасида ўтказиладиган «Davis Cup» турнирининг саралаш баҳсларига қуръа ташланди.

Қуръа натижасига кўра Сербия ва Франция терма жамоалари Испаниянинг Мадрид шаҳрида ўтадиган финал босқичининг гуруҳ баҳслари учун йўлланмани қўлга киритди.

Қолган 12 та терма жамоа эса 2020 йилнинг 6-7 март кунлари бошланадиган саралаш босқичида иштирок этади. Унда Ўзбекистон терма жамоаси Америка қўшма штатлари термасига қарши сафарда кортга тушади.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон ва АҚШ терма жамоалари мазкур мусобақада сўнгги марта 2015 йили пойтахтимизда ўзаро куч синашган эди.





Мейвезернинг режаси

Бокс бўйича бешта вазн тоифасида собиқ жаҳон чемпиони Флойд Мейвезернинг навбатдаги жанглари ҳақида маълумот пайдо бўлди.

"TMZ"нинг хабар қилишича, Мейвезер 2020 йилда иккита жанг ўтказади. Биринчиси боксчига қарши бўлади. Рақиб Мэнни Пакьяо бўлиши кутилмоқда. 2015 йилда Флойд филиппинлик боксчини очколар ҳисобига кўра мағлуб этганди.

Иккинчи баҳс эса UFC жангчиси билан ўтказилади. Флойд промоушен енгил вазн тоифасининг чемпиони Ҳабиб Нурмагомедов вариантини кўриб чиқмоқда.

Аввалроқ Мейвезер UFC президенти Дэйна Уайт билан ҳамкорлик қилаётганини ошкор этганди.

Бир кунда икки соврин

2019 йилнинг 23 ноябрь оқшомида Бразилиянинг «Фламенго» клуби Аргентинанинг «Ривер Плейт» жамоасини енгиб Либертадорес кубогини қўлга киритган эди. 24 ноябрь куни эса клуб Бразилия чемпионатини ҳам ютиб олди.



Чемпионат тугашига тўрт тур қолганида «Фламенго» 81 очко билан муддатидан аввал чемпионликни қўлга киритди. Шу тариқа жамоа 10 йил деганда илк бор ва ўз тарихида еттинчи марта Бразилия чемпионига айланди.

Шунингдек, «Фламенго» сўнгги 56 йил ичида бир йилнинг ўзида ҳам Либертадорес кубоги, ҳам миллий чемпионатда ғолиб чиққан илк жамоа бўлди.

Мазкур ғалабалардан сўнг «Фламенго» Рио-де-Жанейро шаҳри кўчалари бўйлаб парад уюштирди. Кўчада минглаб ишқибозлар тўпланди. Бунинг оқибатида аҳоли ва полиция ўртасида тўқнашувлар ҳам бўлган.

Почеттино мураббийлик "пости"га қайтиши мумкин

Аргентиналик мутахассис тез орада ишга қайтиши кутилмоқда.

Гап шундаки, Германиянинг "Боруссия Дордмунд" жамоаси бош мураббийликка даъвогарлар рўйхатини тузиб чиқди. Ушбу рўйхатдан яқинда "Тоттенхэм" клубидан кетган Маурисио Почеттино ҳам ўрин олган.

Бундан ташқари, Льюсен Фавр ўрнига Рожер Шмидт, Нико Ковач ҳамда Ральф Рангник номзодлари кўриб чиқилмоқда.

Бироқ айнан Маурисио Почеттинога асосий номзод сифатида қаралмоқда.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Неймар 2 минг еврога қурол сотиб олди

ПСЖ клуби ва Бразилия терма жамоаси футболчиси Неймар видеоўйинларга жуда қизиқади.



У Counter-Strike Global Offensive (CS: GO) компьютер ўйинидаги Shattered Web операциясига яхши тайёргарлик кўрди.

"Pixel" нашрининг хабар беришича, бразилиялик футболчи AK-47 Wild Lotus ва AWP Gungnir қуроллари учун 1820 евро сарфлаган.

ПСЖ Неймарни 2017 йили "Барселона"дан 222 млн еврога сотиб олган эди. Унинг клуб билан амалдаги шартномаси 2022 йилга қадар имзоланган.

Ўзбекистон вакили Жаҳон яккакурашлар ва жанг санъати федерацияси вице-президенти этиб сайланди.